O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV. №

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 25-avgust • N35—36 (3623)

УЛУҒЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ ЗАВОЛ КЎРМАГАЙ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВОИЙ ШАҲРИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Аввало, бугунги унутилмас воқеа — халқимизнинг буюк фарзанди, улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сизлар билан учрашиб турганимдан ғоят мамнун эканимни изҳор этмоқчиман.

Ҳурматли юртдошлар!

Бугун, Ўзбекистонимиз истиқлолининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида, Навоий номи билан аталган, бу муборак номни шараф ва ифтихор билан баланд кўтариб, эъзозлаб келаётган вилоят ва шаҳарнинг қоқ марказида буюк бобомизнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилгани бежиз эмас, албатта. Бугунги қувончли воқеанинг иштирокчилари — бепоён саҳро бағрида Навоий ва Зарафшон, Учқудуқ каби шаҳарларни бунёд этган, олтин, қумуш, пахта, ғалла, қоракўл сингари ноёб бойликларнинг макони бўлган саховатли заминда яшаётган, ўз юртини обод қилиш йўлида астойдил меҳнат қилаётган одамлар Навоий бобомизга бамисоли таъзим қилиб, чексиз ҳурмат-эҳтиромини бажо этмоқда.

Бугун барча соҳаларда — дунёда мисли йўқ конларимиз, саноат корхоналари бўладими, бепоён пахта далалари, кенг яйловлар бўладими — ҳамма жойда фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар тимсолида Навоий ҳавас қилган ҳаёт намуналарини кўриб турганимизда, унинг орзу-умидлари бизнинг кунларимизда рўёбга чиқаётганида ўзига хос маъно-мазмун бор.

Ушбу воқеа яна шуниси билан эътиборлики, халқимиз, миллатимизнинг буюк инсон, улуғ мутафаккир Алишер Навоий сиймосини асрлар давомида эъзозлаб, унга изҳор этиб келаётган севги-садоқати айнан мустақил юртимизда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон истиқлолга эришган 1991 йилни Навоий йили деб эълон қилганимиз, ўша унутилмас кунларда бобомиз руҳини шод этиш мақсадида азим пойтахтимиз Тошкентда ул зотнинг табаррук номида Миллий боғ барпо этиб, унинг тўрида шоирга муаззам ҳайкал ўрнатганимиз бу борадаги хайрли ишларимизнинг дебочаси бўлган эди.

Бугун, орадан ўн йил ўтиб, Алишер Навоий шарафига яна бир улкан ёдгорлик мажмуи бунёд қилганимиз мумтоз шоиримизга чексиз фарзандлик муҳаббатимиз, садоқатимизнинг намоёни, десак, бу ҳам айни ҳақиқатдир.

Азиз дўстлар!

Биз Навоий бобомизнинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, унинг даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги хусусида фикр юритганда, нималарни назарда тутамиз?

Аввало, Алишер Навоий халқимизнинг онг ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса.

Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодига теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз.

Агар бу зотни авлиё десак, у — авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак — мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак — шоирларнинг султонидир.

Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади.

Инсоний ишқ-муҳаббатни, меҳру вафо, иффат, шарму ҳаё ва назокатни ёниб, ҳассослик билан куйлаган Навоийнинг гўзал сатрларини ўқиганда буюк ва олижаноб қалб садоларини сезиб турамиз. Бу юрак туғёнлари, мана, орадан беш ярим аср ўтса ҳамки, миллионлаб одамларни ҳаяжонга солиб келмоқда.

Она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйғуси ҳам бизнинг онгу тафаккуримизга, юрагимизга аввало Навоий асарлари билан кириб келган.

Алишер Навоийнинг тарих ва башарият олдидаги улуғ хизматларидан бири шундаки, у адолат туйғусини ҳар бир инсон, ҳар қайси халқ ва миллат интилиб яшайдиган олий мезон даражасига кўтарди, одамзотни ҳаётда адолатни қарор топтиришга, уни асраб-авайлашга чорлаб ўтди.

Ҳазрат Навоийнинг севикли қаҳрамони Фарҳоднинг инсонийлик ва олижаноблик, жасорат ва матонат каби фазилатлари, тоғни кесиб, сув чиқаргани, халқнинг оғирини енгил қилиб, унинг дардига малҳам бўлгани, кўп асрлар давомида ва бугунги кунда ҳам нафақат ўзбек халқи, балки барча халқларнинг ёш авлодлари учун ибрат бўлиб, уларни эзгулик ва фидойилик руҳида тарбиялашга кўмак берганини ва хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтишнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Азиз дўстлар!

Навоий ҳазратларининг том маънода халқпарвар шахс бўлгани, унинг ўлмас ғоялари бугунги кунларимиз учун ҳам бағоят ҳамоҳанг ва ибратли эканини айниқса аҳамиятлидир.

Агар шоир асарларини варақласак, деярли ҳар саҳифасида »халқ», «эл», «улус», «юрт», «раият» деган сўзларнинг «меҳр», »мурувват», «оқибат», «саховат», «садоқат» сўзлари билан узвий боғланиб кетганини кўрамиз.

Мовароуннаҳр заминида пири комил, авлиё даражасига кўтарилган бу мўътабар зот халқ орасидаги беқиёс обрў-эътибори, нуфузи билан мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликнинг ўзига хос кафолатига айланган эди.

Ўша даврда темурийлар салтанатида содир бўлган ҳар қандай нотинчлик ва низо, аввало, ҳазрати Навоийнинг саъй-ҳаракатлари билан барҳам топгани тарихий ҳақиқатдир.

Ёки «Садди Искандарий» достонида юртига ёвуз душман бостириб келган турли миллат ва элат вакилларининг Искандар бошчилигида бирлашиб, ёв йўлига мустаҳкам девор қуриб, унга қарши кураш олиб борганини эслайлик.

Ўша даврда эл-улус ҳаётига хавф солган бало-қазолар бизнинг замонамизда ҳам террорчилик, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчилик, ақидапарастлик каби турли кўринишларда намоён бўлиб, миллионлаб одамлар ҳаётига таҳдид солаётган экан, дунёдаги барча соф ниятли кишиларнинг ана шундай вайронкор, бузғунчи ғоялар, ёвуз кучларга қарши бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан кураш олиб бориши, таъбир жоиз бўлса, хавфсизлик борасида Навоий орзу қилган мустаҳкам Искандар деворини барпо этиши даркор эмасми?

Муҳтарам дўстлар!

Навоийнинг ўлмас асарларидаги юрт тинчлиги ва осойишталиги, халқ-лар ва миллатлар ўртасидаги дўстликни кўкларга кўтарадиган, бу ғояларни устувор инсоний қадриятлар сифатида олға сурадиган фикр ва қарашлари биз учун айниқса қимматлидир.

Улуғ аждодимиз яратган қаҳрамонлар — хитой, арман, араб, форс, юнон, ҳинд каби турли миллат вакилларининг эзгу мақсадлар йўлида елкадош бўлиб, қийинчилик ва синовларни биргаликда сабот билан енгиб ўтганида бугунги долғали замон учун ҳам муҳим рамзий ва амалий маъно бор.

Навоий бобомиз куйлаган, орзу қилган халқлар ва миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик бугун гўзал Навоий вилоятида қарор топганига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Бир пайтлар қуш учса, қаноти, одам юрса, оёғи куядиган Қизилқум саҳросини гуллаган воҳага айлантираётган сиз, азиз навоийликлар ўз олижаноб ишларингизда, аввало, Навоий даҳосидан руҳ ва илҳом, Навоий қаҳрамонларидан ўрнак ва ибрат олиб яшаётганингиз барчамизга қувонч ва ифтихор бағишлайди. қадрли ватандошлар!

Инсонни олам гултожи деб улуғлаган ҳазрат Навоийнинг бутун ҳаёти, бутун ижоди замирида эзгулик, адолат, нафосат каби юксак туйғулар дунёни обод ва мунаввар қилади, башариятни маънавий ҳалокатдан қутқаради, деган қатъий ишонч мужассам.

Барчамизга ёд бўлиб кетган «Одамий эрсанг, демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами» деган ҳикматли сўзлар нафақат гўзал ташбеҳ, аксинча, улуғ шоирнинг иймон-эътиқоди, фаолият мезони, ҳаёт фалсафасидир.

Азиз дўстлар, ўзингиз бир ўйлаб кўринг, умр бўйи етим-есир, бева-бечора, ногирон ва муҳтожларга мурувват кўрсатиб келган, эл-юрт учун ўз ҳисобидан мактаб-мадрасалар, шифохона ва ҳаммомлар, йўл ва кўприклар, боғ-роғлар бунёд этган, илм -фан ва маданият аҳлининг чинакам ҳомийси бўлган бу беназир зотнинг мана шундай савобли ишларида ҳар биримиз учун ибрат ва сабоқлар бор эмасми?

Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуғ меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп бахраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Айни пайтда бу вазифа, илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизни Навоийни янада яхшироқ ўқишга, Навоийни янада теранроқ ўрганишга, унинг умр дафтаридан ибрат ва сабоқлар олиб яшашга даъват этади. Ишончим комилки, ҳазрат Навоий даҳосига чексиз ҳурматимизнинг яна бир рамзи бўлмиш мана шу гўзал ёдгорлик мажмуи ҳам шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу муаззам боғни, бир-биридан кўркам мана шу иншоотларни бунёд қилишда иштирок этган меъмору муҳандисларга, қурувчиларга, бу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган барча юртдошларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Бугун мутафаккир шоиримиз хотирасини чуқур эҳтиром билан ёд этар эканмиз, унинг буюк даҳоси олдида яна бир бор бош эгиб таъзим қиламиз.

Ҳазрат Навоий орзу қилган осуда ҳаёт, фаровон турмуш, юксак тараққиёт юртимиз тупроғида доимо барқарор бўлсин.

Ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир инсонга Навоий зиёсидан баҳраманд бўлиш насиб этсин.

Барча олижаноб ишларимизда Навоий ғоялари, Навоий ибрати, Навоий руҳи бизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

Неча асрдирки, буюк шоир ва улуғ мутафаккир Алишер Навоий номи тилдан тушмайди. Асарлари ҳамиша мутолаада, олам олимларининг тадқиқотларида.

Тарих улуғ инсонларни кўп кўрган. Навоий эса буюкларнинг буюги, миллат тимсолидир.

Қуёшни беркитиб бўлмаганидек, миллат йўлини ёритиб турган қалби қуёш инсонларни ҳам тарих саҳнасидан, халқ хотирасидан асло ўчириб бўлмайди. Не-не мустабид замонлар ҳам улуғ Навоий даҳоси олдида ожиз қолгани рост. Аммо яқин ўтмиш тажрибасидан маълумки, мустабид тузум халқнинг буюк руҳини сўндириш учун унинг тарихида ўтган улуғ инсонларни бор бўй-басти билан кўрсатмасликка жаҳд қилади. Бундай тажовуздан улуғ Навоий ҳам четда қолмади. Шахси, ҳаёти ва ижоди бузиб, бирёқлама талқин қилинди. Нодир асарлари узиб-юлиб нашр этилди. Улуғ шоирнинг улкан меросини усталик билан келажак авлод қалбидан бегоналаштириш, сунъий зиддиятлар тўқиб чиқариш орқали ўз сиёсатига мослаб талқин этиш йўлидан борилди.

Фақат истиқлол шарофати туфайли тарихимизда ўтган бошқа буюк аждодларимиз сингари Алишер Навоий ҳам халқимиз кўз ўнгида бор улуғлиги билан қайта намоён бўлди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг дастлабки йили озод Ватанимиз солномасида Навоий йили сифатида шарафланди. Пойтахтимиз марказида Навоий номидаги Миллий боғ барпо этилди.

Энг муҳими, улуғ шоир меросини бутун кўлами билан, ҳар томонлама кенг ўрганиш, бу борада тари-

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Пак Вера Борисовна

Мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш, давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссалари учун қуйидагиларга **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони берилиб, олий нишон — **"Олтин Юлдуз"** медали топширилсин:

Мухамадиев Рахман Оманович — Вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош врачи, Сурхондарё вилояти

Мўминов Қабул — Муборак газни қайта ишлаш заводи темирчиси, Қашқадарё вилояти

Пак Вера Борисовна — Хива шаҳридаги 20-"Меҳрибонлик уйи" директори, Хоразм вилояти

Ризаев Тожибой — Паркент тумани "Заркент" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Тошкент вилояти

Утениязов Алланияз — Нукус тумани "Саховат" фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси.

Ризаев Тожибой

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 23 август.

Мухамадиев Рахман Оманович

Мўминов Қабул

Утениязов Алланияз

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида

Бетакрор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт тараққиёти, халқимиз маънавиятининг юксалишига бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, уларнинг Ватан олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин:

Лутфихоним Саримсоқова — Ўзбекистон халқ артисти

Мукаррама Турғунбоева — Ўзбекистон халқ артисти

Шукур Бурҳонов — Ўзбекистон халқ артисти

Тамарахоним (Петросова Тамара Артёмовна) — Ўзбекистон халқ артисти

Садриддин Айний — ёзувчи

Мақсуд Шайхзода — Ўзбекистон санъат арбоби, шоир, драматург

Миртемир (Турсунов Миртемир) — Ўзбекистон халқ шоири

Миркарим Осим (Осимов Миркарим) — ёзувчи

Ўрол Тансиқбоев — Ўзбекистон халқ рассоми

Чингиз Аҳмаров — Ўзбекистон халқ рассоми

Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов — ҳофиз

Маннон Уйғур (Мажидов Маннон) — режиссёр

Кузнецова Мария Александровна — Ўзбекистон халқ артисти

Аббос Бакиров — Ўзбекистон халқ артисти

Уста Ширин Муродов — Ўзбекистон санъат арбоби, ганчкор уста

Наби Ғаниев — кинорежиссёр

Муроджон Аҳмедов — Ўзбекистон халқ артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 22 август.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

МИЛЛАТ ТИМСОЛИГА АЙЛАНГАН ЗОТ

Одам ўз ҳаётидаги турли воқеа-ҳодисаларни эга олмоқчи бўлса, бу воқеа фалон йили, яъни фалон кўприк ёхуд минора қурилган йили юз берган эди, деб кўяди.

Ифтихор билан шу гапни айта оламизки, Алишер Навоий бобомизнинг қутлуғ саналари ҳам ҳаётимиз босқичларида ўлчов белгисига, поғоналарнинг рамзига айланиб бораётир.

Мамлакатимиз маданий ҳаёти, маънавиятимиз тараққиёти ҳақида гап кетганда ҳам даражамизни ҳазрат Навоийга бўлган муносабат миқёси билан ўлчайдиган бўлдик. Навоий бобомиз меросига янгича, халқона ёндашишга даъват этиб, Олий Мажлис сессиясида мамлакат раҳбари расман мурожаат этганларида кўнглимиздан кечган туйғуларни таърифлаб бўлмас. Ҳазрат Алишер бугунги кунга келиб, миллатнинг чинакам тимсолига айланди.

4

БУ СОНДА:

ВАТАН ҲАРОФИДА

3

Элнинг навобахши

4

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этаётган юртдошларимиздан катта бир гуруҳи Ватанимизнинг мўътабар унвонлари билан мукофотланиб, юксак орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш, юртимизнинг халқаро миқёсда нуфузини ошириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўз ижоди, илмий фаолияти, эл — юртга ҳалол хизматлари учун мукофотланганлар сафида қуйидагилар бор:

«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»

Абдуллаев Саъдулла Асадуллаевич — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, ранг-тасвирчи

Раҳимов Ҳабибулла Ғайбуллаевич — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари, бастакор

«Ўзбекистон Республикаси фан арбоби»

Абдураззоқов Абдуғани — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти кафедра мудири, профессор

Бушуй Анатолий Михайлович — Самарқанд давлат чет тиллар институти «Таржима ва тиллар»кафедраси профессори

Ўринбоев Асом — Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти етакчи илмий ходими

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»

Икрамова Дилдорхан (Дилбар Икромова) — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Саъдуллаев Лутфулла Убайдуллаевич — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Фаёзов Фарзиддин Зайниддинович — Мукимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театр актёри

Ҳайдаров Нуриддин Исманович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»

Ибрагимов Леким Ҳакимович — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, график рассом

Мирсоатов Анвар Мирзараимович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, манзарачи рассом

Муҳамаджонов Шомаҳмуд Шоходиевич — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, миниатюрачи рассом

Ҳоликов Низомиддин — Андижон вилояти «Рассом» ижодий комбинати рассоми

«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»

Багбеков Хаитмат — «Усто» бирлашмаси Хоразм вилояти бўлими ёғоч ўймакори

Мирзаев Саидали Турсунович — «Усто» бирлашмаси Самарқанд вилояти бўлими кошинкор устаси

Муродов Мансуржон Носирович — «Устозода» халқ амалий санъати корхонаси наққоши

Султонов Абдураҳмон — «Устозода» халқ амалий санъати корхонаси таъмирчи меъмори

Усмонов Мирвоҳид Маҳмудович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор

Қодиров Набижон Ўлмасович — «Ҳунарманд» уюшмаси Фарғона вилояти бўлими кулоли

«Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»

Давлетов Фарҳод — Хоразм вилояти Хива тумани Дашек қишлоқ клуби бадиий раҳбари

Дўсмуродов Бекназар — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»

Нарметов Рўзимбой /Қаландар бахши/ — Хоразм вилояти Шовот тумани «Авазхон» достончилик ансамбли бадиий раҳбари

Раҳимов Қаҳҳор (Қаҳҳор бахши) — Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

Абдуллаева Юлдуз Абдурасуловна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Акромова Гулноз Кўрқмасовна — «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси рақкосаси

Аҳмедов Ўктамжон Аҳатович — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли хонандаси

Жумаев Шариф Каримович — Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти мусиқали драма театри актёри

Жўрабоев Абдусамад — Республика ёш томошабинлар театри актёри

Иброҳимов Иззатилла Рихситиллаевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Иванов Николай Владимирович — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Исроилова Хуррият — «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси хонандаси

Каримов Рустам Каримович — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Матчонов Матёқуб Саъдуллаевич — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театри актёри

Миняева Динара Рауфовна — Тошкент давлат оперетта театри актёри

Миркурбонов Йўлдошали — Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Мирходиев Карим Хусанович — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Мубораков Абдувоҳид — Т.Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чолғулари оркестри яккахон созандаси

Нурлаев Жумабой Бабаджанович — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри актёри

Олимов Аваз Баҳодирович — ИИВ Ички қўшинлар бош бошқармаси ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Раҳматова Нилуфар Эргашевна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Режаматова Фотима Тўғонбоевна — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри

Сафаралиева Раъно Бахтияровна — «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси рақкосаси

Содиқов Тоҳир Бахромжонович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Болалар» гуруҳи хонандаси

Сулаймонова Гулбаҳор Омоновна — «Ўзтелерадио» компанияси миллий эстрада оркестри хонандаси

Тўхтаев Ҳамид Воҳидович — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театр актёри

Халилова Ойгул Темировна — Қарши шаҳар «Эски мачит» театр — студияси актёри

Халиқов Асатилло Убайдуллаевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Сирдарё вилоят бўлими хонандаси

Хуррамов Мансур — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

Шокиров Маҳамаджон Зиятдинович — «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси созандаси

Юнусов Ҳабибулло — Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театри актёри

Қайтаров Эркин — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Самарқанд вилоят бўлими хонандаси

Қаҳҳоров Эркин — «Ўзбекракс» миллий рақс бирлашмаси балетмейстери

Қосимов Аббос Раҳматович — «Аббос» миллий халқ чолғу асбоблари ансамбли созандаси

Ғаниев Анваржон Жумабоевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Ғуломова Саодат Муродовна — С.Айний номидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театри актёри

Ҳасанова Нозима — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Ирисқулов Муҳамадхавас — Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети «Тил ўқитиш маркази» директори

Кеворкова Инна Александровна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Муродов Шонасир — Ўзбекистон Бадиий академияси тасвирий ва амалий санъат касб — ҳунар коллежи директори

Убайдуллаев Абдуманнон — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти кафедра мудири

Умиров Сайди — Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

Абдураззоқов Абдуҳолиқ — «Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

Муслимов Марҳамат — «Сиҳат — саломатлик» журнали бош муҳаррири ўринбосари

Номозов Ортиқали — «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Наманган вилояти мухбири

Норқобилов Норқўчқор Раҳматович (Қўчқор Норқобил) — «Ўзбекистон овози» газетасининг сиёсат бўлими муҳаррири

Расулов Фаррух Ҳамидович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси шарҳловчиси

Қаршибоев Муртаза Маматқулович — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони етакчи консультанти, журналист

Қурбонбоев Фарҳод Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби хизмати фотомухбири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Абдугаппарова Умида Муратовна (Умида Абдуазимова) — «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири, шоира

Абдуназаров Абдураҳмон — Қарши шаҳар «Мулоқот» театр —студияси бадиий раҳбари

Аҳмадалиев Турсунали —Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом, Фарғона вилояти

Даулетмуратова Тамара Турдимуратовна — Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазири

Ёқубхўжаев Анвар Бўриевич — «Ўзбеккино» давлат — акциядорлик компанияси мутахассиси

Йўлдошев Муслимбек — «Ўзтелерадио» компанияси Ўзбекистон телевидениеси диктори

Каприелов Сергей Сергеевич — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри режиссёри

Каримова Дилорам Маликовна — «Ўзтелерадио» компанияси «Маънавият» бош муҳарририяти режиссёри

Кодзаева Людмила — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунос

Маминова Ирина Закировна — Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонаси директори ўринбосари

Мирзаев Рустам Олимович — «Ўқитувчи» нашриёти директори

Мухамедова Мапура Насриддиновна — «Ўзтелерадио» компанияси Ўзбекистон радиоси «Мусиқа» бош муҳарририятининг катта муҳаррири

Расулов Саидабзал Азимович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби хизмати телеоператори

Саидов Назиржон Шамсутдинович — «Андижоннома» — «Андижанская правда» газеталари бош муҳаррири

Турсунов Раҳмат — Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзоси, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти кафедра мудири, профессор

Тўлахўжаев Нозим Туробович — «Ўзбекфильм» киностудияси кинорежиссёри

Узоқова Карима Қобуловна — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

Хўжаев Абдумавлон Абдураҳмонович — Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри бадиий раҳбари

Халқимизнинг илм-зиё салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги катта хизматлари, истиқлолни мустаҳкамлаш, ҳамда юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун мукофотланганлар:

«Буюк хизматлари учун» ордени билан

Ртвеладзе Эдуард Васильевич — Санъатшунослик илмий — тадқиқот институти бўлим мудири, академик

Қобулова Саодат — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессори

Ҳошимов Ўткир — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси, ёзувчи

«Эл — юрт ҳурмати» ордени билан

Иноғомов Ғофур — Т.Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чолғулари оркестри созандаси

Саидқосимов Пўлат — Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри актёри

Самадов Мажид — Меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Тошкент вилояти

Тоиров Мирзо Ҳакимович — Т.Жалилов номидаги ўзбек давлат академик миллий халқ чолғулари оркестри найчиси, профессор

Хўжаева Лола Аъзамовна — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти профессори

Ғойипов Турғунбой — Ёзувчи

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Абдурасулов Ҳайитмат /Ҳайитмат Расул/ — «Ўзбектеатр» бирлашмаси репертуар бўлими раҳбари

Абдураҳмонова Дилбар Ғуломовна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри дирижёри

Азизов Турғун Турсунович — Ўзбекистон халқ артисти

Алиев Бахтиёр Тошкенбаевич — «Баҳор» ансамбли мусиқа раҳбари

Ахмедходжаев Саидботир Саидганиевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студияси кинорежиссёри

Аширова Моҳина — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётининг Маданият ва санъат илмий таҳририяти мудири

Аҳмедова Кароматхон — Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри актёри

Баҳромов Икром — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Бошбеков Шароф — Драматург

Девонов Санъат — Ўзбекистон халқ артисти

Жабборов Илҳом — Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, ҳайкалтарош

Мавлонов Султон Назарович — «Бухорокиновидео» акциядорлик бирлашмаси раиси

Мадраҳимова Насибахон — Республика ўқувчилар саройининг «Юлдуз» рақс ансамбли бадиий раҳбари

Муҳаммадиев Баҳром Базарович — Самарқанд вилояти қўғирчоқ театри директори

Нурматов Эрмамат — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлимининг масъул котиби

Олимов Султонмурод — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари

Отабоев Аҳмаджон — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим муҳаррири

Раҳметов Маҳамет /Муҳаммаджон Раҳматов/ — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси масъул муҳаррири

Салимов Даврон — Ўзбекистон халқ артисти, кинорежиссёр

Ташкенбаев Асрал Газибаевич — Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри актёри

Фахриддинов Зайнутдин Рамзиевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Ширинов Темир — Фанлар академияси Археология институти директори

Шоёкубов Шохалил Каримович — «Мусаввир» илмий — ишлаб чиқариш маркази бош директори

Эшонов Бозорбой Алламбергенович — «Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси цех бошлиғи

Юсупов Ўринбой — «Ўзбекистон» нашриётининг ишлаб чиқариш бўлими етакчи мутахассиси

Ғуломов Аброр Ахрорович — «Жаҳон» ахборот агентлиги бош директори

Ҳабибуллаев Нозим Насибуллаевич — Темурийлар тарихи давлат музейи директори

Мамлакатимизда жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш ишига катта ҳисса қўшгани ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун мукофотланганлар:

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Сапаева Шукуржон — «Соғлом авлод ғунчалари» болалар театр студияси бадиий раҳбари

Диёримизда тинчлик — тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун мукофотланганлар:

«Дўстлик» ордени билан

Алиев Магомед-Али — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Ан Владимир Сергеевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Бабаджанов Фарҳод — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканалининг катта муҳаррири

Бегматов Эрнст Азимович — Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти бўлим мудири

Бўтаев Шойим — «Ўзбектелефильм» студияси бош муҳаррири, ёзувчи

Иванов Геннадий Петрович — Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи илмий ходими

Исабаев Турсун Ушанович — Янгийўл китоб фабрикаси директори

Исҳоқов Энгель Изимович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Калмуратова Маржон — Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқали драма театри актёри

Манасян Светлана Гургеновна — Ўзбекистон давлат санъат музейи илмий ишлар бўйича директор ўринбосари

Михайлов Владимир — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Низаев Тимур Теджиевич — «Правда Востока» газетаси бўлим мудири

Нуриев Альберт Янович — Ўзбекистон академик рус драма театри директори ўринбосари

Ортиқов Умид Умарович — «Ўзкинохроника» студияси режиссёр-оператори

Пак Лилия Леонидовна — «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Прутян Виктор Анатольевич — «Хоразм ҳақиқати» ва «Хорезмская правда» бирлашган таҳририяти бўлим муҳаррири

Розенберг Исаак Юрьевич — «Ўздавцирк» бош директори ўринбосари

Тухтаев Тулаганходжа — «Ўзтелерадио» компанияси Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармасининг «Ватандош» радиостанцияси бош муҳаррири

Усачев Артур Фёдорович — «Ўзбекфильм» киностудияси овоз-монтаж цехи муҳандиси

Шукурова Дилорам Шерматовна — Фарғона вилоят илмий универсал кутубхонаси директори

Янов — Яновская Наталья Соломоновна — Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессори

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий — маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғояларини юртдошларимиз онги ва қалбига сингдириш, ёш авлодни Ватанга, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун мукофотланганлар:

«Шуҳрат» медали билан

Абдиев Алланазар — «Амударё» журнали бош муҳаррири

Абдуллаев Абдуғани Набиевич — «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири ўринбосари

Абдушоҳидов Убайдулла Ҳикматович — «Тошкент ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Азимов Абдумажид Абдуллаевич — «Туркистон — пресс» нодавлат ахборот агентлиги республика ахборот таҳририяти бош муҳаррири

Акбаров Ҳайдарали Асқарович — «Спорт» газетаси бош муҳаррири

Аловутдинов Низом — М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси етакчи мутахассиси

Аминов Билал — «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси мутахассиси

Арипов Аброл Илхомович — «Халқ сўзи» газетаси безатиш бўлими мудири, масъул котиб ўринбосари

Артиқова Наиля Александровна — «Ўзбекракс» бирлашмаси рақс студияси ўқитувчиси

Ботирбеков Турсунбой Қурбонович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) бўлим мудири

Бурханова Файзилатхон Баходировна — «Ўзтелерадио» компанияси республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи фонотека бўлими бошлиғи

Габзалилов Юлай Янтураевич — «Ёзувчи» нашриёти етакчи мутахассиси — бадиий муҳаррир

Дадаян Рафи Рубенович — «Ўзтелерадио» компанияси телемарказининг етакчи мутахассиси

Жумааҳмедов Абдулла Давлатёрович — «Ўзтелерадио» компанияси телеоператори

Жумаев Шамсиддин Ғаффорович — Республика «Маънавият ва маърифат» маркази бўлим бошлиғи

Захарова Жанна Михайловна — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси шарҳловчиси

Золотилова Татьяна Георгиевна — «Маънавият» нашриёти техник муҳаррири

Зуфаров Рихси Музаппарович — «Ўзбекфильм» киностудияси хизматчиси

Иброҳимов Ҳусан — «Инсон ва қонун» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Исаева Муқаддас Абдуқодировна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хор артисти

Исмоилова Дилором Абдуқодировна — «Саодат» журнали бўлим муҳаррири

Исроилов Толибжон Юлдашевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Ассалом, Ўзбекистон!» бош муҳарририятининг муҳаррири, кўрсатув бошловчиси

Йўлдошев Акбар Эргашевич — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти концертмейстер-дирижёри

Казакова Людмила Александровна — Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти муҳаррири

Калашников Николай Александрович —Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Камалова Мохиниса Ҳусановна — «Ўзтелерадио» компанияси «Иқтисодиёт» муҳарририяти катта муҳаррири

Каримбеков Қобилбек Тўхтабекович — «Ўзтелерадио» компанияси «Сиёсат» муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

Каримова Хатижахон — Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани «Истиқбол йўли» газетаси муҳаррири

Каримхўжаев Собир — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Каттабеков Асадулла Ғайбуллаевич — «Жиззах ҳақиқати» газетаси бўлим муҳаррири

Кучеренко Людмила Михайловна — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

Латипов Абдужаббор Жалилович — «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли хонандаси

Латипов Чори Тошмуродович — «Маҳалла» газетаси бош муҳаррири

Маҳмадқулов Файзулло Муродуллаевич — «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Самарқанд бўлими раиси

Мильчакова Анна Фёдоровна — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри

Миргалаутдинов Камиль Наильевич — «Ватанпарвар» газетаси масъул котиби

Мирзабеков Муллабек — «Дийдор» театр — студияси актёри

Мирзакаримов Шухрат Йигиталиевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Ахборот» дирекцияси телеоператори

Мухиддинов Каримжон — «Овози тожик» газетасининг Фарғона вилояти мухбири

Намозов Мусурмон Алматович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА)нинг Маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири

Одилов Мирвосил Вахитович — «Гулхан» журналининг масъул котиби

Очилов Нормўмин Амирович — «Мулоқот» журнали бўлим мудири

Пардаев Низомжон — «Олтин мерос» жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими қошидаги Ат — Термизий жамғармасининг раиси

Пирматов Серик — «Соғлом авлод учун» журнали бўлим муҳаррири

Пирназарова Гулистан Жайылгановна — «Қорақалпоғистон» нашриёти муҳаррири

Рахимов Тура Тешабаевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Киномаркази» директори ўринбосари

Рашидов Маҳмуд Расулович — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

Рустамова Хуршеда — Самарқанд шаҳар марказлашган кутубхоналар тизимининг директори

Саидов Аббос — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Саражитдинов Пахритдин — «Наманган ҳақиқати» газетаси масъул котиби

Сиддиқова Санталат — Тошкент шаҳар «Камалак» оилавий фольклор дастасининг раҳбари

Сирожиддинов Баҳодир Камолиддинович — Самарқанд вилояти Тайлоқ туман маданият уйи қошидаги «Сирожиддиновлар оилавий дастаси» бадиий раҳбари

Соатова Шоҳида Шоисломовна — «Чўлпон» нашриёти муҳаррири

Соибова Шоира Рабиевна — «Мусаввир» ишлаб чиқариш маркази Бухоро бўлимининг зардўз устаси

Суханович Алла Львовна — «Класс» газетаси бўлим муҳаррири

Тишабоева Муборак Ҳикматовна — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани «Маънавият ва маърифат» бўлими раҳбари

Тожиева Замира Латиповна — «Ўзтелерадио» компанияси «Машъал» дирекциясининг сиёсий шарҳловчиси

Тошматов Неъматжон — Қўқон шаҳар аскиячилар клуби аъзоси

Турдалиев Давлатжон Охинович — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканалининг бўлим бошлиғи

Турдиева Кавсар — Тошкент Педиатрия медицина институтининг кафедра мудири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Умарова Салима Баҳроновна — Навоий вилояти «Дўстлик байроғи» газетаси бўлим муҳаррири

Умарходжаева Валида Исмоиловна — Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ходимлар бўлими бошлиғи

Умаркулов Жўра — Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари

Хидиров Худоёр — Навоий вилояти Нурота туман маданият уйи директори

Ходжаева Дильбар Файзиевна — «Маърифат» газетаси мухбири

Холбекова Гулнора Мирзаҳамидовна — «Туркистон» газетаси бўлим мудири

Худойбердиев Шойдул — Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри саҳна устаси

Шоабдураҳимов Нодир — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

Эшончаев Оқилхон — Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳар маданият ишлари бўлими мудири

Юлдашев Омонбой — Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси раиси ўринбосари

Юнусов Файзулла Ҳамидуллаевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Ёшлар» телеканали «Давр» дирекцияси бош муҳаррири

Қаюмов Қодиржон Тоштемирович — «Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси газета цехининг ЭҲМ оператори

Қиличева Марҳамат — «Ўзкинохроника» киностудияси фильм монтажчиси

Қодиров Владимир Сатторович — Сурхондарё вилояти «Заря Сурхана» газетаси муҳаррири

Қурбонқулов Суяржон Машарифович — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари

Ғафуров Баҳодир Толипович — «Ўзкинохроника» киностудияси овоз оператори.

ИТАЛИЯГА САФАР

Яқинда Успенский ва Глиер номидаги республика мусиқа мактаб-интернатларининг ўқувчилари, Болилар бадиий ижодиёти маркази жамоаси Италия сафаридан қайтди. Успенский номидаги мактаб-интернат директори Комилжон Зоиров ушбу сафар таассуротлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Бизни бу сафарга Италиянинг Бедония шаҳридаги Барилла санъат мактаби маъмурияти таклиф этган эди. Халқаро ёшлар фестивалида қатнашган йигирма икки ўқувчимиз скрипка, фортепиано, виолончель чолғуларида Ватанни мадҳ этувчи куйларни чалиб олқишга сазовар бўлдилар. Айниқса, Бекзод Абдураҳимов, Науфал Муқимий, Суннат Иброҳимов, Ойбек ва Ойдин Алимовлар, Дилафрўз Тиллаева, Малика Шарипова, Анора Матёқубоваларнинг концерт дастурлари қарсаклар билан кутиб олинди. Болалар бадиий ижодиёти маркази ташкил этган кўргазмалардаги миллий либослар, кулолчилик ишлари, турли тақинчоқ безаклар катта қизиқиш уйғотди.

Венеция, Пиза шаҳарлари музейлари, улардаги санъат асарлари билан танишув болаларда катта таассурот қолдирди. Улар Альп тоғлари бағрида жойлашган лагерда мазза қилиб дам ҳам олдилар.

Барилла санъат мактаби ўзбекистонлик ёш санъаткорлар учун катта бир зални ажратиб берди. Ўзбекистоннинг фаровон ҳаёти, бахтли болалик ҳақидаги тасвирлар италияликларга эсдалик сифатида чизиб қолдирилди.

М.КАРИМОВА

"ЎЗБЕКИСТОН — БОҒУ БЎСТОНСАН"

Пойтахтимиздаги "Ибн Сино" маданият марказида мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон — боғу бўстонсан, мустақил юрт — она диёрсан" деб номланган мусиқали кеча бўлди.

Ушбу театр-томоша сценарийси муаллифи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов.

Раъно Анназарова, Наргиза Абдуллаева, Ўткир Бойматов, Ҳасан Ғофуров, Фаррух Ҳасанов, Камол Набиев, Зилола Ниёзова, Равшан Абдуллаев, хормейстер ва дирижёр Мирсодиқ Умаров каби истеъдод эгалари қатнашган тадбир файзли ўтди.

Айниқса, ўзбек болалар фолклор-рақс санъатини Туркия, Франция, Белгия, Голландия, Германия ва Ҳиндистон каби хорижий давлатларда намойиш этиб келган "Умид" болалар ансамблининг концерт дастури барчани мамнун этди.

Яшнар СУЛАЙМОНОВ

УЛУҒЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ ЗАВОЛ КЎРМАГАЙ

Боши 1-бетда

хий адолатни қарор топтириш учун имкон яратилди. Навоий ҳар бир хонадонга чинакам маънода кириб кела бошлади.

Президентимизнинг бундан икки йил муқаддам Навоий вилоятига қилган сафари, айтиш мумкинки, улуғ бобомиз хотирасига ҳурмат — эҳтиром кўрсатиш солномасида яна бир янги саҳифа очди. Давлатимиз раҳбари ўшанда навоийликлар билан бўлган учрашувда, ҳадемай улуғ бобомизнинг 560 йиллик тўйи нишонланиши, шу муносабат билан шаҳарда ҳазрат номи билан аталувчи боғ барпо этилиши ва улуғвор ҳайкал қад кўтариши ҳақида сўзлаган эди. Шундай эзгу ният бугун рўёбга чикди. Навоийда гўзал боғ, қутлуғ зиёратгоҳ бунёд этилди, улуғвор ҳайкал қад ростлади.

Бу хайрли ишларнинг бош ташаббускори — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 август куни боғнинг очилиш маросимида қатнашиш учун Навоий шаҳрига ташриф буюрди. Муқаддас жума куни тонг саҳардан ҳазрат Навоий зиёратига ҳукумат, вилоят маъмурияти вакиллари, илм — фан, адабиёт ва санъат намояндалари, оқсоқоллар келди.

Халқимизнинг азалий анъанасига кўра боғда ош тортилди. Бобокалон шоиримиз ҳаққига Қуръон тиловат қилинди.

Навоийликлар ва меҳмонлар Навоий ҳайкали пойида тўпланди.

Тантанали маросимни Навоий вилояти ҳокими Ғ.Дилов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари Навоийнинг номи ва ижодий мероси абадийлиги, иқтидорини эса на макон ва на замон билан чегаралаб бўлмаслигини таъкидлади.

Маросимда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Орипов, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Жаҳон тилллари университетининг 1 курс талабаси Зебунисо Эсонова сўзга чиқиб, истиқлол шарофати билан Алишер Навоий юртнинг ҳақиқий тимсолига айланганини, бу борадаги хайрли ишлар амалга ошишида Президент Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлади. Навоийлик таниқли адабиётшунос Ҳамид Мавлонов Амир Темурнинг қайси юрт ҳукмдори шоирларини изласа, ўша юрт обод бўлур, деган сўзларини келтириб, илк бошдаёқ Соҳибқироннинг «Куч адолатдадур» деган ақидасини ўз сиёсатининг асоси этиб белгилаган Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди. Шоира Наталья Панова Навоийнинг русчага ўгирилган таржибандларидан ўқиди.

Алишер Навоийнинг муаззам ҳайкалини тошкентлик истеъдодли ҳайкалтарош Анвар Раҳматуллаев меъмор Баҳром Абдуллаев ҳамда ҳайкалтарош Павел Подосипников билан ҳамкорликда ишлаган. Улуғвор ҳайкал ёнида бир ярим минг ўринли амфитеатр, спорт мажмуи, 20 гектарлик сайлгоҳу хиёбонлар, ўнлаб дўконлар, табиийки, чойхона ва ошхоналар бунёд бўлди. Боғни ҳар томондан кесиб ўтган ариқчаларда Зарафшон дарёсининг шаффоф суви жилоланади.

Шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўрнатилган «Юлдузнинг туғилиши», «Ўспиринлик», «Ёшлик» ва «Донишмандлик» деб номланган ҳайкаллар туркуми кишини фалсафий мушоҳадага, Навоий билан тиллашишга, у босиб ўтган умр йўлини тасаввур этишга ундайди. Бу ерга келган ёшу қарининг қалбига Фарҳоднинг жасорати, Ғайснинг матонати, Баҳромнинг заковати жо бўлиши шубҳасиздир. Ҳазратнинг боғи ёшларимизда Навоий даҳосига интилиш уйғотади, ҳалоллик, поклик, мардлик, меҳр — оқибат ва садоқатга ошно қилади.

Навоий ҳайкали пойида турган киши улуғворликдан, ўқилаётган шеърлардан, ҳайратдан маст бўлади, ён — атрофдаги фавворалар ясаган камалаклар эса кўнгилга заррин осойиш бахш этади...

Тантанали маросим ниҳоясида Президент Ислом Каримов журналистларга интервью берди.

— Бугунги воқеанинг жуда катта рамзий маъноси бор, — деди давлатимиз раҳбари. — Навоий вилоятининг олтини, қоракўлию пахтаси, умуман, мамлакат иқтисодий ҳаётидаги улуши Ўзбекистоннинг обрўсини оширмоқда. Бошқа вилоятларда маданий тараққиёт имкониятлари бу ердагига нисбатан кўпроқ. Шу маънода, мустақилликнинг ўн йиллиги арафасида ортга боқиб, амалга оширилган ва амалга ошмаган ишларни виждонан саҳрисоб қилганимизда, Навоий вилояти аҳолисининг руҳини кўтариш, маънан қўллаб — қувватлаш лозимлиги аён бўлади. Навоий номи билан аталувчи вилоятда, айни шу вилоятнинг маъмурий марказида ҳазрат боғини яратиш ва у зотга ҳайкал қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз эди. Бугун дунё ҳали Навоийдек шоирни кўрмаган, деб айтиш ўринлидир.

Ислом Каримов бажарилган ишлардан мамнуният билдирган ҳолда, янги боғ ҳали тўла мукаммаллик касб этмаганини, хусусан, ҳайкалнинг пойдеворини кўтариш мақсадга мувофиқ бўлишини айтди.

— Навоий ҳайкали пойига гул қўйишни истаганлар тўғридан — тўғри эмас, поғонама — поғона кўтарилиб бориб унга яқинлашишида чуқур рамзий маъно бор, — деди Ислом Каримов. — Ҳар бир зинага оёқ босилганда, Навоий даражасига етишга интилиш, бобокалонимизга муносиб бўлиш ҳисси уйғонади. Ҳайкал пойдеворини кўтаришнинг яна бир муҳимлиги шундаки, киши боққа кириши биланоқ юксакда ҳазрат сиймосини кўриши керак. Навоийнинг улуғворлиги ҳайкал салобати туфайли шу ернинг ўзидаёқ аёнлашмоғи, боққа келганлар дарвозадан кириши билан унга таъзим қилмоғи даркор.

Шу билан бирга, Навоийнинг ижодий мероси биз учун суянч, таянч, ҳар ишда мададкор эканлигини унутмаслик лозим. Ислом Каримов биз Навоийни севамиз, ардоқлаймиз, деди, лекин бобомизнинг ижодий меросини ўрганишга келганда, у қадар мақтанчоқлик жиҳатларимиз кўп эмас. Навоийни муҳим ҳаётий вазифаларни англаб етиш, муаммоларга ечим топишда ўзимизга мададкор бўлишимиз керак. У битган асарларда инсонни камолотга етказадиган, яхши — ёмон кунларда татийдиган, кўнгилга хотиржамлик, завқ — шавқ, кези келганда, сокинлик берадиган жиҳатлар кўп. Навоийни кўпроқ ўқиш, кўпроқ ўрганиш, теран англаш керак.

Куннинг иккинчи ярмида боғда вилоят бадиий жамоалари ижросидаги театрлаштирилган байрам концерти бўлди, Навоий ғазалларига ёзилган қўшиқлар янгради. Кечгача халқ сайли давом этди.

Улуғ шоир эса аждодларини ардоқлаган халққа мамнуният билан боқиб турибди. Унинг руҳи Яратгандан боболарини эъзозлаган авлодларга омонлик ва фаровонлик сўраётган бўлса, ажабмас.

«Фарҳод» ва «Ширин» маданият саройларида, «Сўғдиёна» стадионида ҳам байрам тадбирлари авжга чиқди.

Тўйга тўёна билан, деганларидек, катта шодиёна ўтказилган куни Навоий шаҳрида аэропорт ишга тушди. Ғайта таъмирланиб, узунлиги 1800, эни 42 метрли учиш — қўниш йўлаклари янгидан қурилган, биноси замонавий тус олган аэропортдан эндиликда хорижий мамлакатларга ҳам бемалол парвоз қилиш мумкин, Аэропортдан шаҳарга элтувчи 25 километрлик йўл ҳам қайта таъмирланди.

Шу билан бирга, қадим Карманада ҳам кўпгина таъмирлаш — қурилиш ишлари ниҳоясига етди. Ғосим шайх, Работи Малик, Сардоба меъморий ёдгорликлари таъмирланди, ўнлаб муҳташам бинолар, боғу гулзорлар, янги каналлар барпо этилди. Бир маҳаллар харобага айлантирилган азиз қадамжолар истиқлол шарофати билан янгидан дунё юзини кўрди, узоқ вақт зах ва рутубат босиб ётган ёдгорликлар бағрига ҳаётбахш нур ёғиб, ён — атрофида муаттар шаббода эсмоқда.

***

Шу куни Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан бу ерда илмий анжуман ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда навоийшунос олимлар улуғ шоирнинг ижодий меросини ўрганиш, ёшлар орасида янада кенг тарғиб ва ташвиқ этиш борасидаги долзарб масалаларни муҳокама этди.

Анвар БОБОЕВ, Ёрқул УМАРОВ,
ЎзА мухбирлари.

Шоирлар Миртемир, Мақсуд Шайхзода китобхонлар ва ижодкорлар даврасида

Озод ШАРАФИДДИНОВ

ВАТАН АРДОҒИДА

Бугун бутун ўлкамизда, каттаю кичик шаҳарларда, йирик саноат корхоналарида, барча меҳнат жамоаларида тантанавор бир руҳ ҳукм сурмоқда. Халқимиз ўзининг эг ардоқли байрамини – республикамиз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқда.

Шу улуғ айём кунларида биз қураётган янги жамиятнинг яна бир ноёб фазилати намоён бўлмоқда. Бу халқимизнинг ўтиб кетган улуғларини ёдга олиш, уларнинг хизматларини холис баҳолаб, тарихдаги юксак ўринларига қўйиб, руҳи покларини шод этишдир. Мен аминманки, бугунги қутлуғ кунларда Сталиннинг қатағон-қирғин сиёсати туфайли умри барвақт завол топган минг-минглаб ҳамюртларимизнинг, шўро замонида рўшнолик кўрмай, қудратли истеъдодларини тўла намоён қилишга имкон тополмай ўтиб кетган юзлаб ҳамюртларимизнинг руҳлари биз билан бирга. Ўйлайманки, улар ҳаётлик пайтларида топмаган қадр-қимматни бугун — истиқлол йилларида топмоқдалар. Бунинг учун уларнинг мухлислари, фарзандлари халқимиздан, истиқлолимиздан, Президентимиздан беҳад миннатдордир.

Куни кеча Президентимиз Ислом Каримов, "Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида" Фармон чиқарди. Ўзбек миллий маданияти ривожига катта ҳисса қўшган адабиёт ва санъат намояндаларидан катта бир гуруҳи «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирландилар. Мукофотланганлар орасида Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева, Тамарахоним каби буюк артистлар, Ўрол Тансиқбоев, Чингиз Аҳмаров каби рассомлар, Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби адибу шоирлар бор. Биз бу ерда номларини санаган ва санамаган улуғларимизнинг ҳаммаси шўро тузуми даврида яшаб, ижод қилган. Шўролар тузуми, коммунистларнинг санъат ва адабиёт соҳасида юритган сиёсати, ҳукмрон мафкура исканжалари эркин бадиий ижод учун фақат тўсиқлар яратган, фақат қолиплар ясаб берган эди. Бу қолипларга сиғмаган, тўсиқларни тан олишни истамаган истеъдод эгалари эса ўзларининг ижодларини хавф остига қўйиб бўлса-да, қатағон-қирғин таҳдиди билан юзма-юз келишларини яхши билсалар-да, таслим бўлган эмаслар. Улар миллий маданиятимизни ривожлантириш йўлида том маънода фидокорлик билан кураш олиб борганлар.

Улар ўз йўлларида ҳар қанча тазйиққа учрамасинлар, «миллатчи», «халқ душмани» ва ҳокозо тавқи лаънатларга рўпара келмасинлар, барибир йўлларидан қайтган эмаслар. Эҳтимолки, уларнинг ижоди туфайли зулматли кунларда халқимизнинг кўнгли жиндай бўлса-да ёришгандир. Эҳтимолки, шундай буюкларимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли халқимизнинг қалбида миллий ғурур сақланиб қолгандир.

Бугун уларнинг хизматларини ўйласак, улар санъатнинг қайси соҳасида бўлмасин, бениҳоя улуғвор бўлганларини кўриб лол қоламиз. Масалан, Мукаррам Турғунбоева ўзбек рақс санъатини тубдан янгилади. Уни жаҳон миқёсига олиб чиқди. Мукаррамахоним асос солган ва парваришлаб ўстирган «Баҳор» дунёнинг юзга яқин мамлакатига ўзбек халқидан баҳор саломларини етказди. «Баҳор»ни кўрган хорижликлар ҳозирга қадар ўзбек рақс санъатининг ақл бовар қилмайдиган инжаликларига қойил қолиб келадилар.

Ёхуд Маннон Уйғурни олайлик. У жуссаси кичиккина одам бўлса-да, унинг санъат бобидаги ишлари тоғдай улкан эди. У замонавий ўзбек театрига асос солди. Бу театрда ўнлаб улуғ санъаткорларни тарбиялаб, етиштирди. Улар жаҳон санъатининг дурдона асарларини саҳнада шу қадар маҳорат билан ўйнадиларки, ҳатто хориждан келган мутахассислар ҳам бундай маҳоратни Оврупо саҳналарида кўрмаганликларини тан олдилар.

Албатта, бу жуда улуғ санъат эди. Лекин Маннон Уйғур бошчилигидаги ижодий жамоа маҳоратини фақат хорижий мутахассисларга кўз-кўз қилиш учун фаолият кўрсатмаган. Улар яратган театр ўзбеклар учун ҳам жаҳон маданиятини эгаллашда, ҳам ўзларининг маънавий ўсишларида катта бир дорулфунун бўлди.

Мукофотланганлар орасида Наби Ғаниевнинг номи ҳам бор. Афсуски, мен бу улуғ санъаткор билан шахсан ҳамсуҳбат бўлолган эмасман. Лекин шунга қарамай, менинг ўсиб-улғайишимда, санъат ва адабиёт ҳақидаги қарашларимнинг шаклланишида бу одамнинг мавқеи бениҳоя катта бўлган. Мен ҳам, бошқа минглаб ўзбек ёшлари каби, ўз вақтида «Тоҳир ва Зуҳра» филмини қайта-қайта кўрганман. Билсам-билмасам, унинг қўшиқларини хиргойи қилиб юрганман. Шу филмдан одамийликдан илк сабоқлар олганман. Шунинг учун мен Наби Ғаниевни устозларимдан бири деб ҳисоблашга ҳақлиман, деб ўйлайман. Лекин бу санъаткор биргина менга эмас, бутун халқимизнинг устози бўлган эди, десак хато бўлмайди. У бутун халқимизга одамийликдан сабоқ берган, қалбимизда адолат ва ҳақиқат туйғуларини шакллантирган, севги-муҳаббат уруғларини сепган. Ва умуман бизнинг миллий ғуруримизни юксалтиришга ҳисса қўшган одамлардан бири эди.

Мукофотланганлар орасида, юқорида санаганимиздек, ардоқли ёзувчиларимиз ҳам бор. Афсуски, бу кичик мақолада мен ёзувчиларимизнинг ҳаммаси тўғрисида ўйлаганларимни батафсил айта олмайман. Лекин иккита ёзувчи ҳақида, жиндак бўлса-да, гапирмасдан ўтолмайман. Буларнинг бири Миркарим Осим. Таассуфлар бўлсинки, биз – унинг замондошлари адибнинг нақадар истеъдодли ва баркамол ижодкор эканлигини ҳаётлигида тузукроқ билган эмасмиз. Мана, орадан йиллар ўтгани сари унинг қадри билинаяпти. Унинг тарихий қиссалари оҳори тўкилмаган гулдек янги-янги жилолари билан товланишда давом этмоқда. Алишер Навоий, Беруний, Ибн Сино, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги қиссалари миллий рангларга бой. Улар ўзбекнинг ўтмиши учун, ўтмишда яратган маданий бойликлари учун чуқур ифтихор туйғулари билан йўғрилган асарлар экан.

Адиб кўплаб жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилган. Иккиланмай айтишим мумкинки, у таржима бобида катта мактаб яратган. Биргина мисол: урушдан кейин Василий Яннинг «Чингизхон» романи ўзбек тилида эълон қилинган эди. Таржиманинг муҳаррири Миркарим Осим бўлган. Бу асарни ўқиган одам нафақат XIII аср воқеаларидан хабардор бўлади, балки ўша давр тилининг ўзига хосликларидан, атамаларидан, етти аср аввал мавжуд бўлган ва ҳозир унутилиб кетган нарсаларнинг номларидан воқиф бўлади. Асарнинг тили тарихий даврнинг руҳини мукаммал ифодалаган.

Мен кейинчалик ҳеч қайси асарнинг тилида тарихий руҳ бу қадар теран ифодаланганини билмайман. Миркарим ака нашриётларда ишлаган кезларида ёшларга кўплаб маслаҳатлар берар, билимларини ҳеч кимдан аямасди. Лекин ўзи ўта камтар ва камсуқум одам эди. Умрида бирор марта истеъдодини пеш қилиб, ўзига имтиёз қидирган эмас. Ҳеч қачон квартира ёки машина талаб қилиб, ёхуд менинг юбилейимни, тўйимни ўтказиб берасан, деб бирор идоранинг эшигини қоқиб борган эмас. Бу инсон мажлисларда ўтирганда ҳам гўё ҳеч кимни кўрмасликка ҳаракат қилгандай, бир чеккада индамай ўтирарди. Кўчада юрганда ҳам гўё бировга озор етказиб қўйишдан чўчигандай эҳтиёт бўлиб юрарди.

Бир вақтлар –20-йилларда мактабни битириб, мустақил ҳаётга дастлабки қадамларини қўяётган кезларда унинг ёрқин истеъдодидан кўрққан шўронинг сиёсий идоралари ҳали балоғатга етмаган бу йигитни роса сиқувга олишган. Эҳтимолки, ўшанда юрак олдириб қўйган Миркарим Осим умр бўйи ГПУнинг қўққисдан эшик қоқиб келишидан ҳадиксираб яшагандир. Нима бўлганда ҳам бу одам у даврларда ўзининг истеъдодига муносиб иззат-икром кўрмай, ўзида бор имкониятларни тўла рўёбга чиқара олмай дунёдан ўтиб кетди.

Шоир Миртемир тўғрисида ҳам тахминан шундай гапларни айтиш мумкин. Тўғри, у Ўзбекистон халқ шоири бўлган, ўз вақтида унинг ижоди учун давлат мукофоти берилган эди. Лекин ижодининг илк қадамлариданоқ сиёсий органлар унинг ҳам оёғидан тортиб, «попугини пасайтириб» қўйганлар.

У шеъриятга ёниб кириб келган эди. Ижодининг дастлабки йилларида жуда зўр кўтаринкилик билан шеърлар, достонлар ёзган. Кетма-кет тўпламлар чиқарган ва қисқа фурсатда одамларнинг оғзига тушиб, довруғ қозонганди. Лекин шўроларга бундай одам керак эмас эди. Уларга овоз чиқармайдиган, ҳатта ўз соясидан ҳам ҳадиксирайдиган, фақат буйруқни бажарадиган ижрочилар керак эди. Шунинг учун Миртемирни ёш ва мутлақо гуноҳсиз эканлигига қарамасдан ҳибсга оладилар. Ёш шоир бир неча йил мобайнида Шимолда – минглаб бегуноҳ маҳбусларнинг ҳаётига зомин бўлган «Беломорканал» трассаларида, ўз таъбири билан айтганда, «синоқли кунлар»ни бошидан кечиради.

Кейин у юртига қайтди. Яна ижод қила бошлади. Миртемир ижоди атрофида бўлган баъзи хуружларни, тўқмоқлик танқидларни ҳисобга олмасак, у энди таъқибдан холи ижод қилиш имконига эга бўлгандек кўринган эди. Лекин ўша «синоқли кунлар»нинг қора курагаси унинг кетидан узоқ вақт эргашиб юрди. Бу адабиёт мутасаддиларини Миртемирга гумонсираб қарашга ундади. Шу туфайли Миртемир уруш йилларида ҳам, ундан кейин ҳам тўхтовсиз ижод қилган бўлса-да, дурустроқ рўшнолик кўргани йўқ.

Фақат 60-йиллардан кейингина унинг ўзбек шеъриятидаги ўрни бир қадар холисона баҳолана бошланди. Ҳолбуки, Миртемир жуда катта шоир эди. Унинг ўзига хос, бетакрор истеъдоди тўғрисида менга Зулфия опа бир неча марталаб қойил қолиб гапирган. Зулфия опа Миртемир шеърларини жуда яхши кўрар, ҳамиша улардаги теранлик ва халқчилликка эътиборимни қаратар эди. Шоирнинг тили ғоятда бой ва ранг-баранг эканини таъкидларди.

Тўғри, Миртемир ижодида замонасозлик билан ёзилган, қайси бир доҳийларнинг жилмайишини улуғлаган ёки кимларгадир садоқат изҳор қилган шеърлари бор. Лекин улар кўнгил амри билан эмас, мажбурият орқасида ёзилган. Бундай шеърлар Миртемир ижодининг асосий мағзини ташкил қилмайди. Аслида эса ўзбек диёрини, унинг шаҳарлари, адирларини, унинг гулзорлари ва чўлларини, боғларини Миртемирдек илҳом билан яйраб тасвирлаган шоир камдан-кам. Бир қанча шеърларида шоир ўзбек аёлларининг бениҳоя ёрқин образларини яратган. Улардаги вафодорлик ва инсонийликни улуғлаган. Унинг бундай шеърларини ўзбек аёлига қўйилган мангу ҳайкал деб аташни истардим.

Президентимиз фармонида тилга олинган инсонлар ҳақида яна кўпдан-кўп тўлқинланиб гапирмоқ мумкин. Чунки уларнинг ҳаммаси ҳам фидойи меҳнатлари, санъат ва адабиётга, халқимизга садоқати билан бизнинг ҳаётимизга сингиб кетган эди. Бу улуғлар бугун ҳам бизнинг бағримизда. Улар ҳамиша тирик. Кўп йиллар мобайнида истиқлол байрамларида улар халқ билан бирга бўладилар.



СУРАТЛАРДА: Лутфихоним САРИМСОҚОВА, Шукур БУРҲОНОВ мухлислар ва шогирдлар даврасида.
С.МАҲҚАМОВ суратга олган

«Ниҳол» мукофотининг совриндорлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббус ва тавсиялари билан ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн танлаш ва ижро маҳорати билан кишиларнинг дилига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва иймон-эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш учун «Ниҳол» мукофоти таъсис этилган эди. Бундан мақсад халқимиз бағридан етишиб чиқаётган ёш санъат ғунчаларини ҳар томонлама асраб-авайлаш, уларнинг истеъдод имкониятлари тўла рўёбга чиқишига кўмаклашиш, ёшлар овозини олам бўйлаб таралишига кенг йўл очишдир.

«Ниҳол» мукофоти билан энг муносиб, умидли ёшларни тақдирлаш учун ҳукуматимиз қарори билан нуфузли танлов Кенгаши тузилган. Кенгаш таркибига, Юртбошимизнинг таклифи билан, таниқли санъаткорлар қатори бугунги эстрада юлдузларимиз ҳамда ҳорижий ва республика мусиқа танловларида истеъдоди эътироф этилган навниҳол санъаткорлар киритилди. Ушбу Кенгаш ўзининг бир неча ижодий йиғилишлари давомида «Ниҳол» мукофотига тавсия этилган юздан ортиқ номзодларнинг ижодий имкониятларини ҳар томонлама холис кўриб чиқиб, юртимиз Мустақиллигининг ўн йиллик байрами арафасида улардан ўн нафарини бу юксак мукофотга лойиқ деб топди. Кенгаш қарорига кўра, «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлган ёш истеъдодларга мукофотлар шу йил 21 август куни "Халқлар дўстлиги" саройида тантанали суратда топширилди.

"Ниҳол" мукофоти совриндорлари:

Йўлдошева Ирода — эстрада хонандаси

Мадраҳимов Отабек — эстрада хонандаси

Мамадалиева Саида — хонанда, халқаро фестивал совриндори

Отемуродов Махсетбой — эстрада хонандаси

Полвонов Улуғбек — пианиночи, Португалия, Германия,Грузияда ўтказилган халқаро танловлар совриндори

Собиров Равшан — эстрада хонандаси

Убайдуллаев Достон — эстрада хонандаси

Қаршибоева Наргиза — рақҳоса

«Фаёд» гуруҳи — хонандалар Қамбариддинова Раъно, Шиндина Виктория

«Тавоис» гуруҳи.

Барча санъат мухлислари номидан «Ниҳол» совриндорларини самимий муборакбод этамиз ва юртимиз равнақи, санъатимиз такомили йўлида уларга катта ижодий зафарлар тилаймиз!

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Шу ҳафта бошида Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон — Покистон дўстлик жамиятининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Ислом Республикасининг Мустақиллик кунларига бағишланган байрам кечаси бўлиб ўтди. Кечага дўстлик жамиятининг фаоллари, жамоатчилик намояндалари, таниқли шарқшунос олимлар, ижодкорлар ташриф буюришди.

Байрам кечасини Ўзбекистон — Покистон дўстлик жамиятининг раиси, академик П.Қ. Ҳабибуллаев очиб, ҳар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро дўстлик ва қардошлик алоқалари қадим-қадимдан мустаҳкам илдизга эга эканлиги ва бу анъаналар давлатларимиз мустақиллиги муносабати билан янада гуллаб-яшнаётганлиги ҳақида сўз юритди. Тошкентдаги Шарқшунослик институти ректори, академик Неъматулла Иброҳимов, Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Фазал Гафур жаноблари, покистонлик олимлар сўзга чиқиб, Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги мамлакат ҳаётидагина эмас, айни пайтда жаҳон қўламидаги катта воқеа эканини, бу йиллар мобайнида Ўзбекистон ўз танлаган мустақиллик йўлидан шаҳдам қадамлар билан бориб, катта муваффақиятларга эришганини эътироф этишди.

Байрам кечасида Ўзбекистон ва Покистон халқларининг дўстлик ва қардошлигини тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

* * *

Сирдарё вилоятидаги рассомлар галереясида мустақилликнинг 10 йиллигига бағишланиб кўргазма очилди. "Мусаввирлар ижодида оналар ва болалар образи", "Мен нечун севаман Ўзбекистонни", "Хотира ва қадрлаш — муқаддасдир" каби мавзулардаги асарлар томошабинларда қизиқиш уйғотмоқда.

Садбарҳон ЖЎРАЕВА

ДИЛДАН ТИЛГА КЎЧГАН ҚЎШИҚЛАР

Истиқлол йилларида яхши анъанага айланган Ўзбекистон қўшиқ байрами ҳурриятимизнинг 10 йиллиги тантаналари арафасида минглаб истеъдодлар учун чинакам маҳорат синови бўлди. Юртимизнинг катта-кичик концерт залларида она Ватан, муқаддас юртни мадҳ этувчи, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнатини улуғловчи қўшиқлар янгради.

Ўзбекистон қўшиқ байрамининг «Туркистон» саройида ўтган якуний босқичида Жаҳон тиллари университети бадиий жамоасининг «Баркамол авлод» (Аваз Мансуров мусиқаси, Нормурод Нарзуллаев шеъри) ва Самарқанд вилояти, Сиёб тумани маданият уйи хонандаси Бахтиёр Абдуллаевнинг «Офарин, ўзбек» (Бахтиёр Абдуллаев мусиқаси, Хосият Бобомуродова шеъри) қўшиқлари биринчи ўрин билан тақдирланди.

Сирдарёлик Асатилла Ҳолиқов, Тошкент вилоятидан Дилноза Исмияминова, Тошкент шаҳридан Гулжаҳон Хуррамова ижро этган «Посбонлармиз», «Элим менинг», «Ўзбекистон» қўшиқларига иккинчи ўрин берилди. Камолиддин Раҳматов («Ватандир бу»), Зулфия Ҳайдарова («Эл севган юртбошим») ва Нутфулла Аҳмедов («Истиқлол») ижро этган қўшиқлар учинчи ўринга муносиб топилди.

И.ЖУМАНОВ

ЯХШИРОҚ БИЛ АНИ ҮЛҮС АРОКИМ,

ўтаётган ушбу маросим ҳам кишига ўзгача руҳ бағишлайди. Буларнинг барчаси учун аввалом бор халқимизга ва муҳтарам юртбошимизга миннатдорлик билдирамиз.

Президентимиз ташаббуси ва раҳномолиги билан бобомиз номидаги Навоий шаҳарда улуғ шоиримизнинг муҳташам ҳайкали, унинг пойида шеърият анжуманлари ўтадиган амфитеатр, кўркам боғ ва гўзал фавворалар туркуми бўлган Алишер Навоий мажмуаси қад ростлади. Бу сингари юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларини ҳам ҳаётимиздаги ғоят муҳим тарихий воқеа, деб ҳисоблаймиз.

Ҳазрат Навоийдек улуғ зотни эътиқодига айлантирган халқ ҳеч қачон завол кўрмайди.

МИЛЛАТ ТИМСОЛИГА АЙЛАНГАН ЗОТ

Узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ҳам юртимизга ташриф буюришар экан, эҳтиромларини қўлида кепка ушлаган бегона ҳайкалга эмас, балки ўзбек халқининг буюклигини мана мен, деб намойиш этиб турган бобосига, Алишер Навоийсига кўргазадилар. Бунинг тагида жуда катта рамзий маъно бор. Яъни бизнинг яловимиз маънавият, эзгулик, тинчликсеварлик, инсонпарварликдир. Шеърият султони бутун бошли давлат дунёқарашини мужассам этиб турган жаҳондаги ҳеч бир минтақада учрамайди. Биз Навоий ҳазратларини бир дақиқа бўлса-да хаёлдан фаромуш этган эмасмиз.

Унчунун, истиқлолимизнинг ўн йиллиги байрами кунларида

Бирин-кетин ўтиб борар
асрларнинг карвонлари,
Оҳ, нечоғлик мушкул экан унинг
ошар довонлари.
Инсон зоти муродига
азал-абад етар эди,
Ушалса гар умидвор зот —
Навоийнинг армонлари.

Фурсат келди, дўсту ғаним
кимлигини билай бу кун,
Жами башар фарзандига
саодатлар тилай бу кун.
Кўкка боқиб саҳар чоғи
илтижолар қилай бу кун,
Нурга тўлсин азиз бобом
Алишернинг маконлари.

АВЛОДЛАР ЭҲТИРОМИ

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги тантаналари арафасида мухбиримиз ЎзРФА Тил ва адабиёт институти директори Тўра МИРЗАЕВ билан учрашиб, Истиқлол йилларида буюк алломамиз ижодиётини ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

—Ҳамма даврларда Алишер Навоий ижодиётига, шоир шахсига жуда катта эътибор ҳамда эҳтиром билан қараб келинган. Асарлари қўлдан-қўлга ўтиб ўқилган, қайта-қайта кўчирилиб, тарқатилган.

Яқин ўтмишда, яъни шўролар замонида бу тенгсиз адабий меросимизни ўрганиш, тарғиб-ташвиқ этишда анчагина қийинчиликлар, тўсиқларга дуч келинди. Навоийшуносликда эришилган жиддий ютуқлардан, шоир асарлари нашрларию ижодиёти тарғиб-ташвиқ этилганидан кўз юммаган ҳолда, айтиш жоизки, бу даврда Навоий ижоди бир томонлама ўрганилди. Хусусан, Навоий ва тасаввуф, улуғ алломанинг миллий давлатчилик борасидаги қарашлари, Навоий ва ислом дини каби бир қанча мавзуларга деярли қўл урилмади. Бунга мустабид тузум мафкураси йўл бермади.

Истиқлолимиз бу каби тақиқларга барҳам берди ва шоир ижодини ҳар жиҳатдан бемалол татқиқ этиш имкониятларини яратди. Айтиш жоизки, мустақиллик йиллари Навоий ижодиётини ўрганишда янги босқичи бўлди. Ёдингизда бўлса, 1991 йил - Мустақиллиқнинг биринчи йили Алишер Навоий йили, деб эълон қилинган эди. Шундан бери улуғ шоирга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор изчил давом этиб келаётир.

Айни кунларда Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги кенг кўламда нишонланаётгани Истиқлол йиллари мунтазам ўтказиб келинган навоийхонликлару шоир номи билан боғлиқ жуда кўплаб тадбир ва тантаналарнинг мантиқий давомидир. Бугунги тантаналар аслида шу йилнинг аввалида бошланди. 1-10 феврал кунлари бутун мамлакатимизда Навоий кунлари бўлиб ўтди. Вилоятлар, туманлар марказларида, барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказилган турли-туман анжуманлар улуғ бобомиз шарафига бағишланди. Ана шу тадбирларнинг, таъбир жоиз бўлса, энг юксак мақомдаги тантанаси бугун шоир номи билан аталадиган вилоят маркази, яъни Навоий шаҳрида бўлиб ўтади. Бу ерда 105 гектар майдонда барпо этилган боғ, шоирнинг муаззам ҳайкали–бутун мажмуа авлодларнинг тенгсиз алломамизга улкан эътирофи рамзидир. Тантаналар давомида ўтказиладиган «Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» мавзуидаги илмий конференция ҳам бу ҳайратомуз мероснинг бир қанча муҳим жиҳатларини қамраб олади.

Илм аҳли, навоийшунослар ана шу қутлуғ санага муносиб тайёргарлик билан келдилар. Алишер Навоий «Мукаммал асарлар тўплами» 20 жилдлигининг 17-жилди босмадан чиқди. Бу жилдда шоирнинг илгари жуда оз қисми чоп этилган «Насоим ул-муҳаббат» асари ўрин олган. Умуман, 17-жилд билан Алишер Навоийнинг туркий тилдаги мероси тўлалигича халқимизга етказилди. Кейинги 18-20 жилдлар шоирнинг форсий тилдаги меросини ўз ичига олади.

Юбилейга атаб институтимиз олимларининг тадқиқотларидан таркиб топган «Навоийнинг ижод олами» мақолалар тўплами чоп этилди. Шунингдек, илмий конференция маърузалари тезисларини алоҳида китоб ҳолида нашр эттирдик.

Умуман, кейинги йиллари навоийшуносларимиз улуғ шоир ижодиётини тадқиқ этиш борасида унумли иш олиб боришди. Хусусан, бу ўринда олимларимиздан Абдуқодир Ҳайитметов қаламига мансуб «Навоийхонлик суҳбатлари», Абдурашид Абдуғафуровнинг «Бешлик сабоқлари», Суйима Ғаниеванинг «Наср сеҳри» китобларини, шунингдек, Низомий номидаги Педагогика университети олимларининг «Навоийга армуғон» тўпламини таъкидлаш жоиз. Кўпжилдли «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг Алишер Навоийга бағишланган жилди нашрга тайёр қилиб қўйилди.

Ҳали олдимизда улуғ шоир ижодиёти билан боғлиқ бир қанча амалга оширилиши лозим бўлган ишлар турибди. Жумладан, «Мукаммал асарлар тўплами» нашрини тугаллаш, шу билан бирга, янги алифбода шоир асарларининг янги нашрини чиқариш, «Навоий қомуси»ни яратиш, унинг бадиий маҳорати, фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашларини янгидан тадқиқ этиш галдаги вазифаларимиздандир.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ

ҲАМИША ЯНГИ ВА МУНАВВАР

Маълумки, Алишер Навоий жуда эрта қўлига қалам олган ва бизга мислсиз катта адабий мерос қолдирган. Лекин шу мероснинг бошидан охирига қадар ўтадиган бош ғоя нимадан иборат? Бу саволга мен буюк шоирнинг Инсонга муҳаббати, уни улуғлаши, эъзозлаши, унинг ҳақида қайғуриши, деб жавоб берган бўлур эдим. "Ҳайрат ул-аброр" достонида шоир Оллоҳнинг бутун борлиқни яратишдан бош мақсади ҳам Инсон эди, дейди. Бутун борлиқни катта бир чаман, Инсонни эса унда ўсиб турган гул қиёфасида кўз олдига келтириб, Навоий ёзади:

Бу чаман ўлмоғида мавжуд Анга,
Бор эди Инсон гули мақсуд Анга.

Бутун ижоди давомида эса шоир — хоҳ лирик шеърида бўлсин, хоҳ достонларида — Инсоннинг Худога энг яқин бир мавжудот эканини, унинг улуғлиги, гўзаллиги нималардан иборат эканини, янада буюк ва мукаммал, янада гўзал бўлиши учун у нималар қилиши лозимлигини изоҳлаш ва тушунтиришга ҳаракат қилди.

Навоийнингча, одамларнинг энг катта фазилатларидан бири унинг сўзлаш қобилиятига эга эканлигидадир. Буни шоир қуйидагича изоҳлайди:

Сўз била куфр аҳли
мусулмон бўлуб,
Сўз била ҳайвон деган
инсон бўлуб.
Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

Лекин дунёда сўз кўп. Сўзнинг қанақаси яхши? Бу тўғрида Навоий ўзига мурожаат этиб, дейди:

Сўзда, Навоий, де десанг,
чин дегил!
Рост наво нағмага
таҳсин дегил!

Нақадар гўзал фикр! Инсоннинг қадр-қиммати биринчи галда гапирган гапининг, сўзининг ҳаққонийлиги, тўғрилиги билан белгиланади-да.

Навоий Инсонга баҳо берар экан, бундаги энг катта ўлчовлардан бири унинг ўз туғилган Ватанига муҳаббати, садоқати масаласидир. Ҳақиқий Инсон ўз ҳаёти, тақдирини Ватанисиз тасаввур эта олмайди. Унинг учун бошқа бир мамлакатда яшаш — ҳақиқий ғурбат. Шу хил тушунчалардан келиб чиқиб шоир "Садди Искандарий" достонида ҳар бир ўз ватандошига хитоб қилиб шундай дейди:

Ватан таркини бир нафас
айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас
айлама.

Айни вақтда Навоий ўз халқини, ватандошларини севган ва уларнинг ўзаро тотувликда, бир жон, бир тан бўлиб яшашларини истаган. У китоблардаги юксак инсонийлик тушунчаларини ҳаётдаги, оддий халқ орасидаги тушунчалар билан қўшиб, чумолига ҳам озор бермасликни, ўзига раво кўрмаган нарсаларни бировга ҳам раво кўрмасликни тарғиб қилган ва куйлаган:

Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

Жамиятнинг негизини оилалар ташкил этади. Жамиятнинг мустаҳкамлиги, ривожи, фароғати ҳам оилаларга боғлиқ. Оилаларда ўзаро муносабатлар қанча мўътадил бўлса, жамиятнинг ҳаёти ҳам шунча осуда. Шундай мулоҳазалар асосида Навоий ака-укаларнинг аҳил, иттифоқ бўлишларини орзу қилади. Унингча, агар ака (ихвон) укасининг жонини сўраса — у чин ука бўлса — акасидан жонини ҳам аямаслиги зарур:

Жонинг агар ком эса
ихвонинга,
Сарф эту кўй миннатини
жонинга.

Инсон ҳаётининг энг катта хурсандчилиги эса дўстлар билан. Яқин дўсти йўқ одам дунёдаги энг қашшоқ одам. Навоий учун дўстлар билан кўришишдан ортиқ буюк шодлик бўлиши қийин. "Ҳайрат ул-аброр"да бу фикр шундай ифодаланган:

Анда қаю амрки дилкаш дурур,
Борчадин аҳбоб юзи хуш дурур.

Ўқувчиларга малол келмаса, мен бу байтни ҳозирги тилда қуйидагича ифодалаган бўлар эдим:

Десангким: — "Ҳақ амрин
қайси яхшироқ?"
Дерман: — "Дўстлар билан
дийдор кўришмоқ!"

Улуғ шоирнинг ҳаётий фалсафа билан суғорилган бундай ўгитлари таҳлилини чексиз давом эттириш мумкин. У доно панд-насиҳатлари билан беш ярим асрдан кейин, бугун ҳам ёнимизда тургандек. Унинг ҳар бир сўзи ҳамиша янги ва мунаввар!

НАВОИЙДА ТАБИАТ ОБРАЗЛАРИ

Олам, дунё, табиат, коинот ҳақидаги тасаввурни исталган бир фан тўла гавдалантириб бера олмайди. Чунки у кўп «кирра»ли, турли «табиат»ли ҳар хил «ўлчам»ли, жонли ва жонсиз. Оламни онгда инъикос этишда математика, физика, астрономия, кимё, биология, социология бирбирларини тўлдирадилар. Бу фанлар бир бутун табиатнинг ҳар хил образларидир. Шу билан бирга, ҳар хил образлар бир бутун образни яратишга интилади. Образнинг асосида тасаввур мавжуд. Бу фикр илмий образга ҳам, бадиий образга ҳам баббаравар тегишлидир. Тасаввур эса бевосита мушоҳада ва тушунчаларга суянади.

Табиий борлиқ ҳолати ва мавжудлик қонуниятини аниқлаш табиёт мазмунини ташкил этади. Формулалар ва жадваллар, қоида ва алгоритмлар ҳам ўзига хос статик ёки динамик образлардир. Бу образлар ҳар бир образ каби вақт тазйиқи доирасидан ташқарига чиқиб кетган бўлади, тафаккурда ўзини сақлаб колади. Масалан, Қуёш, Ой, сайёра. Булар илмий образларки. Қуёш силжиши жадвалларини ал-Хоразмий, сайёралар ўзаро муносабатларини ал-Фарғоний, Ой ҳаракати назариясини Улуғбек яратган. Нютон образи Эйнштейн образининг бир хусусий ифодаси бўлиб қолди. Ҳа, образлар ҳам ривожда экан.

Илмий образлар билан бадиий образлар орасидаги фарқ шундан иборатки, бадиий образлар лабораторияларда яратилмайди; формулалар ва схемалар воситасида эмас, тафаккурнинг бошқа қобилияти туфайли гавдалантирилади. Бу икки хил образ бир-бирини қувватлаши, бир-бирига ёрдам бериши мумкин. Масалан, илмий образлар бадиий образларни мустаҳкамлайди ва, аксинча, бадиий образлар илмий образларни безатади. Бу эса, шоирнинг маҳоратига боғлиқ.

Образларнинг оддий кўринниши тасаввурлар бўлиб, формуласиз, чизиксиз, мулоҳаза ва муҳокамасиз ўйда ҳолда бир сўз, бир тушунча орқали ифодаланади. Шу тарзда Алишер Навоий шеъриятида илмий тасаввур ва образлар иштирок этади. Улар улуғ шоир асарларида қуйидаги туркумлардан иборат: **олам**, ажуз, асл, асос, гавда, дунё, жасад, жисм, жон, модда, моя; **фазо**, азрақ, ер, забар, замин, жавф, жаҳон, жой, кўк, манзил, масофа, макон, осмон, само, фалак; **вақт**, айём, давр, дам, доим, даҳр, зайл, замон, лайлат ул-қадр, лаҳза, маҳал; **мухлат**, момазо, овон, пайт, нахор, фасл, фурсат, шом; **қуёш**; мехр, меҳрайн, меҳрафрўз, офтоб, порлоқлик, равшанлик, хуршид, шамс; **ой**, бадр, гўзал, мах, мох, моҳият, моҳлиқо, моҳпора, моҳрухсор, моҳталъат, моҳтоб, ҳилол; **сайёра**; зуҳра, нажим, чўлпон, юлдуз.

Навоийнинг бадиий адабиётдаги маҳорати олам, табиат ҳақидаги ўз замонасининг илмий тасаввурларидан, табиат мўъжизаларидан ўз ўрнида ниҳоятда чиройли фойдаланиши билан чамбарчас уйғунлашиб кетади.

Энг муҳими – Навоий инсонни табиатнинг бир қисми. Руҳий дунёнинг илмий тасаввурлар билан биргалиги, инсон гўзаллиги табиат гўзаллигини олий ривожи эканлигини таъриф-тавсиф этади. Шеърият олами илмий, фалсафий тафаккурлар билан йўғрилган. Табиатшунослик ва адабиётшуносликни бирбирига қовуштирувчи бу илмий масала Навоийнинг «Хайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий», «Девони Фоний», «Лисон ут-тайр», «Мажолис ун-нафоис» каби асарлари, қоларверса, ғазаллари, мустазоллари, мухаммаслари, мусаддаслари, таржеъбандлари ва рубоийларида ҳам ўз изоҳини топган. Алишер Навоий бу жиҳатдан ҳам ҳозирги замон шоирларимиз ва адибларимизга намунадир.

Биз бу ерда илмий образлар билан бадиий образлар муносабати ҳақида қисман гапириб ўтдик. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бадиий образлар илмий образларга қараганда кўпроқ яшайди. Гоҳо илмий қонунлар тез эскиради, бадиий образлар эса ҳамма вақт яшаши мумкин. Алишер Навоийнинг илм билан суғорилган бадиий образлари мана шундай боқийдир.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
профессор

ПОКЛИК ИШТИЁҚИ

Бир ғазал шарҳи

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдим сени,
Истарам, ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.

Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда ондин покрок.

Ўйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк
Ким, магар ондин ятиме йўқтурур бебокрок.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулинг йўқ бандадин чолокрок.

Одамийлик туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Неча уқлосанг, Навоий кўнгли захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки, тиккан сойи бўлгай чокрок.

Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг «Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок, Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок» матлаъи билан бошланган ғазали унинг энг машҳур, энг теран, энг гўзал ғазалларидандир. Машҳурлиги бир ривоят билан ҳам боғлиқ. Нақл қилинишича, Навоий мазкур илк байтни бир гадодан сотиб олиб, ғазал ҳолига келтиради. Бу ҳақда навоийшунос олим, шоир Мирзо Абдуллоҳ Насриддин ўғли Бокий, шоир Собир Абдулла маълумот берганлар.

Навоий девонида бундай фавқулодда бадиий юксак байтлар озмунча эмас.

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,
Кирпигим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Менинг кўксим тонгнинг чок бўлган кўйлагидан кўра ҳам чокроқ, йиртикроқ. Киприкларим эса устига шабнамлар тўкилган майсалардан кўра ҳам намлироқ, ҳўлроқ.

Тонг отади, субҳнинг пироҳани–кўйлаги чок бўлиб, тонг оппоқ намоён бўлиб, уфқ қизаради, тонгнинг қирмизи бағри кўзга ташланади. Шоир айтмоқдаки, субҳнинг кўйлаги чок бўлиб, йиртилиб, тонг оқариб, уфқ қизариб кўринганидек, менинг ҳам қизил қондек бағрим тонгнинг кўйлагидан кўра ҳам чокроқ бўлган кўкрагимнинг чокидан кўриниб кетаётир...

Одатда, тун бўйи майсаларга майин, маҳзун шабнам тўкилади. Бу шабнамлар тонгда равшанроқ намоён бўлади. Шоир унсиз йиғи туфайли киприкларига тизилган кўз ёшларини ана шу шабнамларга ўхшатмоқда.

Шоир тонг манзарасини фавқулодда гўзал тасвирлаб, тонг орқали ўз тунги ҳолатини, маънавий, ботиний кечинмаларини ошкор қилмоқда.

Бу кўнгул ғамнокидин то шодмон кўрдим сени,
Истарам, ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокрок.

Менинг хотирим –кўнглим, хаёлим ғамгин бўлган сари, сенинг тобора шодмонроқ бўлганингни кўрмоқдаман. Модомики, сен ошиқнинг ғамидан суюнар экансан, бас, сенинг янада қувонмоғинг учун ҳар нафас кўнглим тағин ғамгинроқ бўлишини истайман!

Бу байтда юқоридаги «кўкраги чокрок», «кирпиги намнокрок» ва энди «кўнгли ғамнок» бўлишининг сири ошиқлик эканлиги маълум бўлади.

Албатта, Навоийнинг ҳар бир мажозий ифодасида ҳақиқат сирри бор. Дунёда шоду хандон, қаҳқаҳаю даббаба билан яшамоқликда Ҳақ таолонинг ризоси йўқ. Синиқ кўнгилли, ғариб дилли, ғамгин хотирли бўлиб, Яратганнинг важҳини истаб, ёлвориб йиғловчан бўлишда Ҳақ таолонинг ризоси бор. Айниқса, саҳар чоғларида истиғфор айтиб, кўз ёшлари билан йиғлашликда хосият борлиги китобларда айтилган.

Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида рахти ғамин
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда ондин покрок.

Лайли нима учун ғам юкини, қайғу омонатини айнан Мажнуннинг кўнглида қўйди? Чунки, бу ҳаёт водийсида, ишқ сахросида, тириклик даштида Мажнуннинг кўнглидан ҳам кўра покизароқ, тозароқ бошқа жой йўқ эди!

Рахт –йўл юки, сафар анжоми дегани. Бу ўринда ғам юки, ғам омонати, қайғу сафархалтаси маъносида келмоқда.

Инсоний-мажозий ишқ учунки ошиқнинг қалби шунчалик пок бўлиши шарт бўлса, бас, энди илоҳий ишқ учун банданинг қалби нақадар пок, нақадар мусаффо, нақадар юксак бўлиши керак!

Бир маъшуқаки, муҳаббат ғамининг анжомини қўйиш учун шунчалик покиза қалбни изласа, бас, энди илоҳий Зот ўз ишқини ҳар қандай дилга солиб қўявермайди, ўз зикрини ҳам ҳар қандай тилга раво кўрмайди. Зеро, «Оллоҳ зикри –Оллоҳ муҳаббатининг аломатидир» деган ҳадиси шариф бор. Пок нарса пок жойда бўлади.

Ўйла мужгон ханжарига ёпишибдур дурри ашк
Ким, магар ондин ятиме йўқтурур бебокрок.

Худди шунингдек, яъни ишқ ғамининг анжоми пок қалбга қўйилганидек, кўз ёшларининг дурри – инжу-марваридлари ҳам киприклар ханжарига ёпишиб олган. Нега? Чунки ундан ҳам кўра бебокроқ – бевошроқ бир қимматли йирик дур йўқдир.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,
Жон берурда бир қулинг йўқ бандадин чолокрок.

Сенинг лабларингдан ўз ўлик танасига жон олишда бутун халқ сенга қулдир, бандадир. Лекин жон беришга келганда мен ғариб бандангдан кўра ҳам чаққонроқ, эпчилроқ, тайёрроқ бирор банданг йўқ. Зеро, жон фидо қилиш, жон бериш, жон талвасаси осон нарса эмас.

«Лаб» сўзи тасаввуфда мажозан илоҳий ишқнинг жўш урган маҳалини ифодалайди. Байтда «қул», яъни «банда» сўзи билан боғлиқ теран маънолар бор. Мазкур мажознинг ҳақиқий асоси бор.

Ҳақ таоло инсониятга жон ато этиб, ҳаммасини бандам деб атаган. Яхшию ёмон, иймонлию иймонсиз инсонларнинг барчаси яралишда – жон соҳиби бўлишда бандадир. Лекин яшаб жон таслим этишда ҳамма ҳам Оллоҳнинг ҳақиқий бандаси бўла олмайди. «Вал-фажр» сурасида Ҳақ таоло иймонли ва эзгу амаллар асосида яшаган бандаларига илтифот билан хитоб қилиб айтадики: «Эй, хотиржам-сокин жон! Сен рози бўлган ва рози бўлинган ҳолда Парвардигорингга қайтгин. Ва бандаларим қаторига киргин. Ва менинг жаннатимга киргин "(27-30-оятлар). Бас, ана шу жон бериш онида ҳамма ҳам ҳақиқий мўъмин бандалар қаторига кира олмайди. Кейинги байт бу маънони кенгроқ очади.

Одамийлик туфроғин берса фано елига чарх,
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

«Фано»нинг маъносини Навоийнинг ўзи ушбу байтда аниқ ифодалаб берган:

Дединг: фано недурур? Мухтасар дейин: ўлмак!
Ки, шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидир.

Тақдир бутун одамият тупроғини йўқлик шамолига совурса, яъни инсониятни вафот эттирса, афсуски, унда вафо аҳлидан ҳам кўра хокроқ, туфроқроқ, яъни ўлимга тайёрроқ бирор киши бўлмайди. Ўзи хок бўлиб, тупроқ бўлиб, йўқлик шамолига шай турган тоифа фақатгина вафо аҳлидир.

Вафонинг биринчи шакли иймон самарасидир, банданинг ўз аҳди, ўз мийсоқида туришидир. Одам болаларига ҳали жисм ато этилмай туриб, Ҳазрати Одам сулбидан уларнинг руҳи чиқарилди; Ҳақ таоло: «Аласту бираббикум?» («Мен эмасманми сизларнинг Парвардигорингиз?»), – деб сўради. Одам болалари руҳининг ҳаммаси: «Қолу: Бало!» («Ҳа, Сенсан бизларнинг Раббимиз!»), – деб жавоб берди. Ана шу «Ал-мийсоқ» яъни, аҳд, сўз, ваъда дейилади. Одам фарзандлари жисми билан яралганидан кейин, баъзилари ўз сўзи – мийсоқида туриб, аҳли вафо бўлди, баъзилари инкор қилиб, иймонсиз бўлди.

Вафонинг иккинчи тури «Фатҳ» сурасининг 10-оятида билдирилган. Бу ўз байъати, аҳди, қасамида туришдир. Ояти каримада: «(Эй Муҳаммад!) Дарҳақиқат, сизга байъат-қасамёд қиладиган зотлар, ҳеч шак-шубҳасиз, Оллоҳга байъат қилурлар . Оллоҳнинг мадад қўли –ёрдами уларнинг қўли устида бўлур... Ва кимки Оллоҳ билан аҳду-паймон этган нарсасига вафо қилса, у ҳолда Оллоҳ унга улуғ ажр-мукофот ато этур», деб марҳамат қилинган. Бу байъат барча саҳиҳ тариқатларда муриднинг муршиди комилга интисоби шаклида узлуксиз давом этади.

Вафонинг учинчи тури инсон бутун ҳаётининг ҳар қандай жараёнида ўз сўзи, ваъдаси, аҳду паймонида туришидир, садоқатли, оқибатли бўлишидир. Сидқ, садоқат эса олти хилдир: 1. Сўздаги тўғрилик. 2. Ниятдаги тўғрилик. 3. Азмдаги (азм этиб интилишдаги) тўғрилик. 4. Вафодаги тўғрилик. 5. Амал қилишдаги тўғрилик. 6. Диннинг ҳар қандай масаласидаги тўғрилик. Ана шу олти сифат билан сифатланган киши сиддиқ дейилади. Қарангки, шундай улуғ неъмат – вафо неъмати сидқнинг олтидан бир қисми экан!

Ғазалнинг охирги байти илк байт билан мантиқан боғланади: яна захм – жароҳат, чок ифодаларига қайтилади.

Неча уқлосанг, Навоий кўнгли захминроқ бўлур,
Кўрмадук захмеки, тиккан сойи бўлгай чокрок.

(Эй дўстим, эй табибим!) Сен қанча тўқиб, тикиб боғлаганинг билан, Навоийнинг кўнгли янада захминроқ – жароҳатлироқ бўлиб бораётир. Ҳолбуки, тиккан сари тобора очилиб, кенгайиб, чокроқ бўлиб борадиган жароҳатни ҳеч кўрмаган эдик! (Зеро, табиб даволаган сари ошиқнинг дарди кучаяди).

«Уқла» – «банд», «боғ», «тўқима» дегани. Аруз вазнида рамал баҳридаги шакллардан бирининг номи ҳам «уқла» дейилади. Рамл (рамал) эса шеърнинг ўн тўққиз баҳридан биттаси бўлиб, бўйра тўқишдаги бир шаклга асосланган. Чунки «рамал» деб луғатда бўйра (гилам, палос) тўқишни айтилади. Шунга кўра, «уқламоқ», боғламоқ, тўқимоқ деганидир. «Айн»нинг «алиф-вов»га алмашуви туркий тил тақозоси билан бўлиши мумкин.

Бу машҳур ғазалга Қўқон-Фарғона адабий муҳитида етишган шоирлардан бири мухаммас боғлаган ва у янгиш тарзда Навоийнинг ўз мухаммаси деб эълон ҳам қилинган. Аммо бу мухаммас Навоийнинг ҳеч бир девонида йўқ, бу ҳақда маълумот ҳам йўқ. Иккинчидан, мухаммас маъно жиҳатидан ҳам, қўлланган айрим ифода, иборалар жиҳатидан ҳам асло Навоийга хос эмас. Учинчидан, ундаги айрим сўз, ибора ва тасвирлар фақат Фарғона водийси муҳитида камол топган шоиргина қўллаши мумкин бўлган маф-ҳумлардир. Буни тадқиқ билан ҳам, фаросат билан ҳам англаш мумкин.

Мирзо КЕНЖАБЕК

ЕТСА КЎПРАК ЎЛУСКА НАФЪ ОНДИН!

ШЕЪРИЯТГА ТАЪЗИМ

1972 йилнинг кузаги эди. Ўш шаҳридаги Бобур номидаги мусиқали драма театрида янги спектаклнинг кўриги ўтаётганди. «Ўш садоси» вилоят газетасининг муҳаррири, ёзувчи дўстимиз Абдуғани Абдуғафуров Бишкекдан келган меҳмон, республика маданият вазирлиги қошидаги репертуар бўлимининг бошлиғи шоир Смар Шимеев билан мени таништириб қолди.

—Смар оға, сизнинг кечаги илтимосингизни Турсунбой ака бажариши мумкин, — деб қўшимчалади Абдуғани. Муддаога меҳмоннинг ўзи аниқлик киритди.

—Ҳазрат Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини қирғиз тилига таржима қилиш ниятим бор. Абдуғани билан кеча оқшомда шу ҳақда суҳбатлашиб, сизни эслаган эдим.

Смар оғанинг бу холис нияти ва жасоратини қутлаш билан бирга, у кишига устоз Ғафур Ғулом томонидан ҳозирги ўзбек тилига табдил қилинган мазкур достонни совға қилишдан бошқа иложим қолмаган эди. Орадан уч йил ўтгач, Бишкек шаҳрида республика Ёзувчилар уюшмасининг навбатдаги қурултойида Смар оға билан учрашиб қолдик. У киши ваъдасига вафо қилиб «Фарҳод ва Ширин»нинг таржимасини поёнига етказиб, «Қирғизистон» нашриётига топширган экан. Орадан кўп ўтмай Алишер Навоийнинг беш достонидан бири қирғиз тилида илк бора босилиб чиқди ва қондошларимизнинг маънавий мулкига айланди. Таниқли лирик шоир Смар Шимеев бадиий савияси таржимаси ҳамда унинг сифат даражаси қандай эканлигига кафолат беролмасам ҳам, бу хайрли ишнинг амалга оширилганлиги ўзи катта воқеа эди.

Смар оға тамал тошини қўйган қардош Қирғизистондаги навоийшунослик ишлари айни пайтда қай даражада, деган ўринли савол ҳам туғилиши мумкин. Бу хайрли анъанани иқтидорли қирғиз шоири, қадрдон дўстим Суярқул Турғунбоев улкан ихлос билан давом эттирмоқда. Буюк Алишер Навоийнинг ғазаллари Суярқул таржимасида «Бақо гули» деб номланган китобдан муносиб ўрин олди.

Турсунбой АДАШБОЕВ

САҲНАДА НАВОИЙ СИЙМОСИ

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри жамоаси "Алишер Навоий" тарихий драмасини қайтадан саҳнага қўйди. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мансур Равшанов саҳналаштирди. Рассом — В.Михайличенко. Режиссёр асарга анча сайқал бериб, кўп саҳналарни бирмунча мукаммаллаштиришга муваффақ бўлган.

Спектакл донишманд Навоий, шоҳ Ҳусайн Бойқаро вазирлар иштирокида қурилган мажлис кўриниши билан бошланади. Сарой амалдорлари исёнчилар ҳужумини тўхтатиш устида тортишишади. Лекин чора тополмайдилар. Навоий бу вазифани зиммасига олади. Улуғ шоир образини яратган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х.Орипов Алишер Навоий сиймосидаги донолик ва жасоратни намоён этишга ҳаракат қилади. Халқни ўз ғоясига эргаштира олган шоир қиёфасини ишонарли гавдалантиришга муваффақ бўлади.

Саҳнада воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари изчил ривожлантириб борилган. Гулининг ҳарамга олиниши, унинг Навоийга садоқати, виждони, ор-номусини сақлаш учун заҳар ичиши манзараси томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Спектаклдаги Абдурахмон Жомий (артист Н.Пардаев), Гули (Д.Файзиева), Жалолиддин (А.Намозов), Мўмин Мирзо (А.Худойназаров), Абдумалик (артист А.Раҳматов), Қундуз (артист Х.Амирова), Музаффар (артист Х.Қурбонов) сингари образлар Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро қиёфаларининг ёрқин гавдалантирилишида етакчи роль ўйнаган.

Саҳна асарининг мукаммаллиги биринчи навбатда ижодий жамоанинг бирдамлиги ва ҳамфикрлигида намоён бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, режиссёр актёрлар ансамблини яратишга муваффақ бўлган.

Спектаклда ишланиши зарур бўлган саҳналар, образлар ҳам бор. Масалан, Ҳусайн Бойқаро образига янада сайқал бериш мумкин эди. Аслида Ҳусайн Бойқаро катта бир мамлакатнинг ободончилиги йўлида фидойилик қилган, кўплар тан олган шоир, меҳр-мурувватли инсон бўлган. Ана шу жиҳатларга имкон қадар урғу берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Саҳна безакларини бойитиш зарур бўлган ўринлар ҳам йўқ эмас.

Театр санаткорларининг изланишлари самараси сифатида майдонга келган бу асарни саҳна санъати ижодкорларининг Навоий даҳосига эҳтироми рамзи дейиш мумкин.

Кудрат ЖУМАЕВ, филология фанлари доктори

БИР БАЙТНИНГ БАҲОСИ

Ғазал — форсий-туркий шеъриятнинг асосий шакли. Ғазални ҳам, одатда, биринчи байти — матлаъсига қараб баҳолашган. Шунинг учун тазкиралар, яъни шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотлар асосида битилган асарларда маҳорат намунаси сифатида аксаран матлаъ келтирилади. Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис»ида ҳам шундай.

«Мажолис ун-нафоис» - мароқли асар. Саккиз мажлисдан иборат бу китобнинг биринчи мажлиси — Навоий ёш бўлган маҳалда яшаган-у, лекин улар билан кўришиш насиб этмаган шоирлар ҳақида. Иккинчи мажлисда эса Навоий кичиклигида ёки йигитлигида суҳбатига мушарраф бўлган шоирларни тилга олади.

Худди ана шу иккинчи тоифадаги соҳиби қаламлар орасида Мавлоно Лутфий ҳам бор.

Мавлоно Лутфий Навоийгача бўлган ўзбек шеъриятининг энг юксак намунасини яратган шоир эди. Буни Навоийнинг ўзидан олиб айтаяпмиз: «Мавлоно Лутфий - ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур...».

Тазкира муаллифи яна Лутфийнинг тасаввуф йўлига кириб, пири - Мавлоно Шиҳобиддин Хиёбоний қошида «суфия тариқида ҳам салук қилғон»ини, Навоий ҳақига кўп фотиҳалар айтганини, дарвиш киши эканлиги учун бу дуоларнинг баъзилари ижобат бўлганини ёзади.

Лекин Навоийнинг буюкларга хос ажиб камтарлигини қарангки, устозшоғирд ўртасида бўлиб ўтган машҳур суҳбатни эслатмайди. Ҳолбуки, Лутфий Навоийнинг:

Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Уйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш, —

деган матлаъси билан бошланадиган ғазалига ўзининг 10-12 минг байтли бутун форсий-туркий шеъриятини алмаштиришга рози эканлигини айтган эди.

Ҳар гал шу воқеа тилга олинганда, эсланганда Лутфийдек улуғ шоир қайси мақсад ва нуқтаи назар билан ёш ижодкорнинг биргина ғазалига бу қадар юксак баҳо берди экан, деб ўйлайсан киши.

Биринчи галда, бу — бир оз муболаға, шарқона, дарвишона лутф бўлиши керак, деган хаёлга борилади. Чунки навоийшунослигимизда Лутфийнинг бу баҳосига айнан муболағали таъриф сифатида қаралган.

Иккинчидан, Лутфий ёш қаламкашни рағбатлантириш учун атайлаб унинг асарини кўтариб баҳолаган бўлиши керак, деб ўйлайдилар.

Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки биргина ғазалнинг шундай «кўтариб» баҳоланиши ҳар қандай ёш ижодкорни талтайтириб, ноҳаққоний баҳога мойил қилиб қўйиши мумкин. У замонлар кишилари бундан имкони бор қадар эҳтиёт бўлишга интилганлар. Чунки иймони бутун одам ҳар гапни Худони ўртага қўйиб айтишга, рўзи машҳарда бунинг учун жавобгар бўлиб қолмасликка интилади.

Учинчи мулоҳаза шуки, Лутфий шу биргина асарда ўзининг шунча минг байтли меросидагидан кўра кучлироқ бадиийлик, юксакроқ даража, тамоман янги бир шеърий поғона кўрган бўлса, ажаб эмас.

Хўш, шундай деб ҳиёблайдиган бўлсак, бунинг исботи қани? Бу баҳода Лутфий айнан қайси мезонга суянди? Бу мезоннинг моҳияти нимадан иборат?

Араб-форс-турк шеъриятида сўз илми ҳадди аълосига етганини ҳамма билади. Сўз маҳорати, қалам соҳирлиги балоғат илми орқали ўлчанган. Балоғат илмининг бош талаби эса оз сўз орқали кўп мазмунни бирон-бир камчиликсиз ифодалашдан иборат эди. Шу маънода Лутфийни айнан ёш шоир бу ғазални кириби балоғат билан айтгани лол қолдирган.

Келинг, ғазалнинг матлаъсидагина юз кўрсатган шоирона салоҳиятни бир мулоҳазда-муҳокама этиб кўрайлик.

Оддий китобхонга бу иккигина мисрада шу қадар фавқулодда бадиият бўлганини тушунтириш қийин кечиши мумкин. Бироқ, аслида, бу байтда қават-қават тасвир ва бекаму кўст мантиқ, аввало, ҳадди аълосида, қоларса, сиқиқ ва пишиқ-пухта ифода топганини сезса бўлади.

Шоир гапни узоқдан бошлаб, сўзни чўзиб, бир ошиқ маъшуқи ёнида ўтру — рўбарў турибди, шунда бирдан ёр юзини ёпди, ошиқнинг кайфияти бузилди, деб ўтирмайди. Ҳаммаси қисқа ва лўнда мисраларда аён бўлади-қолади.

Ораз — юз. Демак, мантиқан ёр юзини ёпганида кўзимдан ҳар лаҳза ёш тўкилади, дейди шоир биринчи мисрада. «Уйлаким»ни «бу шунга ўхшайдики» деб олсак, маънони уқиш осонлашади: «Бу худди қуёш ниҳон бўлганидан (ботганидан, кўринмай қолганидан) кейин юлдуз пайдо бўлишига ўхшайди».

Муаллиф «ёр» деяётгани ҳам, унинг юзи қуёш, деяётгани ҳам, «юзини ёпганидан кейин кўнглимни кечасидек қоронғилик қоплади», деяётгани ҳам йўқ. Лекин буни мантиқан билиб олаверасиз. Кўз олдингизда ёр ва унинг қаршисида турган ошиқ гавдаланади. Шу ҳолатда бирдан маъшуқ юзини беркитади. Ошиқ учун бу худди кундуз ўрнини кеча эгаллаган билан тенг. Шуни шоир бор-йўғи икки сатрда чизиб-гина берган. Қоронғилик ичра милтираб турган юлдузлар — ошиқнинг кўз ёшлари.

Бир қарашда, бу тасвирлар анъанавийдек, гўё бошқа шоирлар ҳам камида шундай ёхуд шунга яқин даражада ёзаверадигандек туйилиши мумкин.

Тўғри, лекин туркий шеъриятда ҳали бу қадар қуюқ бадиийлик даражаси қўлга кирмаган эди. Шунинг учун бу — ўн биринчи юзйилликда Юсуф Хос Ҳожибдан бошланган туркий арузий шеъриятнинг ўтган тўрт-беш асрлик тараққиёти эришган энг юксак чўққи эди. Гарчи бу чўққига ҳар тарафлама энг яқин келгани ўзининг ижоди эканини яхши билса ҳам, Лутфий ўн беш ёшлардаги Навоийнинг шу устоздан ҳам бир неча карра устунроқ бир даражага етганини сезмаслиги, ҳис қилмаслиги мумкин эмас эди.

Чиндан ҳам, Навоий шеърияти Лутфий ижодиётидан шу даражада юксак чўққига кўтарилганмиди?

Энди, келинг, Навоийнинг Лутфий ижодига баҳосига қулоқ тутайлик. «Муҳокамат ул-луғатайн»да айнан шундай баҳо бор. Шоир туркий халқ-лар ҳокимиятни қўлга олганида бир гуруҳ туркигўй шоирлар — Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний, Амирий, Гадоийдек қалам эгалари ижод қилганини айтади.

Булар орасида Лутфий йўқ. Хўш, нега?

Чунки Лутфий ижодда буларнинг баридан устун даража ва мақомга эришди.

Навоий Лутфий таърифига сазовор бўлган ғазалини ўн беш ёшларида ёзган эди. «Муҳокамат ул-луғатайн»ни эса у умрининг охирларида - 1499 йили битган.

Хуллас, шоир ёш пайтидаёқ ўзбек шеъриятини дунёга машҳур қилишни ният этган.

Алишер Навоий ёшлигида ўзига дастурий вазифа этиб қўйган олий мақсадига эришди — ўзбек шеъриятини жаҳон адабиёти саҳнасининг тўрига чиқариб қўйди.

Султонмурод ОЛИМ

Усмон АЗИМОВ, Ўзбекистон халқ шоири

АЛИШЕР НАВОИЙ

Киноқиссадан парча

Уч отлиқ қум барханлари оралаб, йўл юриб келмоқда.

— Тўхтанг!..

Улар отларнинг жиловини тортиб, овоз келган тарафга қарайдилар.

Барханлар оша беш-тўрт суворий улар сари от суриб келаяпти.

— Алишер!..

Навоий овоз эгасини танийди.

— Мирзо!.. Ҳусайн!..

У отини шиддат билан буриб, дўстининг истиқболига шошади.

Отлар тўдалари бир-бирига қараб учиб келмоқда.

Отлар тўхтар-тўхтамас, икки дўст ўзларини эгардан отиб ташлайдилар-да, қучоқ очганча, югурадилар.

О, дўстлик!..

Бу келишда соғинган дўстликнинг қандай буюк орзиқиши, қандай гўзал талпиниши бор!

Икки биродар бағир бериб, уч марта елка оша,жўшиб кўришадилар.

— Мирзом, соғмисиз?

— Омонмисиз? Фақат чўлларда дийдор кўришмоқ насиб этиб қолди, Алишер!

— Худо ярлақаса, салтанат саройларида ҳам юз кўришгаймиз!

— Маслаҳатимизни қабул қилиб, Ҳиротга йўл олибсиз... Сизни бир кўрай деб, йўлингизни кесиб чиқдим!..

Алишернинг меҳри янада тўлишади.

— Ҳиротга юрганимдан қандай хабар топдингиз, Ҳусайн?

Ҳусайн Байқаро кулади.

— Шоҳларнинг «огоҳлик» шиорини ўрганмоқдамен?

— Яхши ният қилибсиз! - яйраб кулади Алишер — Иншоллоҳ, шоҳлик ҳам сизга насиб қилгай!..

— Алишер, ўзингизни асранг!.. Мен англаган ҳақиқатни — шуаролиғда олам кўрмаган зот эканлигингизни ўзинггиз ҳам тушиниб етинг! Ўзинггизни ўтга ҳам, сувга ҳам ураверманг! Абусаиддан эса эҳтиёт бўлинг!.. Мен эса тахтга эришгунимча, бу чўлларда, худога жонимни топшириб юраверамман!..

Алишернинг қиёфасида тантанавор бир жиддият зоҳир бўлади:

— , Сизга тахт насиб қилади! Чунки кўнглингиз эзгуликка тўлган зотсиз!

— Сизга эса, — Ҳусайннинг овозида ҳам тантанаворлик пайдо бўлади, — туркнинг аввалу охир буюк шоирлиги насиб этди. Парвардигор иноятн билан тахтга ўтирсам бул буюкликни қўрқамоқлик менга насиб этсин!

Икковлари яна маҳкам қучоқлашадилар.

— ҲУСАЙН!.. Сен ўзингни асра!.. Сен... Сен... — деб шивирлайди Алишер, овозлари титраб бораркан. — Менга ўлмасликка ваъда бер!..

— Ваъда бераман!.. Али.. — Ҳусайннинг товушига ҳам йиғи нуқси аралашиб, — Яна айтаман, Абусаиддан эҳтиёт бўл!.. Минг йиллар бир туққан ягона зот эканлигингни тушун! Менинг ягона дўстим эканлигингни бил!.. Сен ҳам ўлма! Ҳеч қачон ўлма!..

— Азиз бошингга, илоё, тожу давлат қўнсин!.. Омон бўл!

— Хайру хўш, Алишер!.. Сен менинг дўстимсан! Эсингдан чиқарма, дўстимсан!..

Ҳусайн дўстининг қучоғидан ситилиб чиқиб, навкарлари ушлаб турган бедови тарафга югуради.

— Хайру хўш!.. Ҳусайн! Сен баҳодирсан! Сен мардсан!.. Қиличинг синмасин! Мен сенинг дўстингман! Дунёда ҳеч кимнинг қолмаган кунда ҳам ўксинма! Билки, мен сенга мададкор бўлгани тирик яшаётган бўламан!

— Алишер! — деб қичқиради Ҳусайн от устидан. — Худо менга подшоҳликни насиб этса, сенинг дўстлигинг учун, сени асрашим учун беради! Омон бўл!.. Мен тахт-да ўтирганда кўришамиз!

Ҳусайн бошлиқ суворийлар уфққа от соладилар.

— Илоё, айтганинг келсин!..

Алишер уларнинг ортидан қараб қолади. Сўнг ғайратли бир ҳаракатда югуриб бориб, ўзини эгарга олади.

Уларнинг бедовлари ҳам чўл оралаб, шитоб билан жўнайдилар.

* * *

Ҳиротнинг Ишратхона мавзеси. Дўконлар, майхоналар..

Майхоналардан чолғу — най-ю ғижжак, дутору танбур, даъфу ноғора оҳангги таралиб, хушбахт қичқириғу мастона «эвоҳ»лар эшитилиб турибди.

Алишер Навоий ажабтовур ўртанган кўйи забт билан бормоқда. Бу шиддатли юриш чин юракда оғринган каснинг ғазабли оғринишига ўхшайди. Худо оёқ-қўлдан берган Паҳлавон Муҳаммадий йирик одам ҳам унга аранг етишиб бормоқда.

— Алишер, ўзингизни босинг!

— Ҳиротга Абусаид Мирзонинг рухсати билан келганман, — дейди Алишер ловуллаб борар экан. — Ўрдага ташрифим лозимлиги ҳам ундан чиққан сухандир. Аммо икки кунким, мени турфа баҳоналар билан, остонадан хор қилиб қайтармоқда.

— Менга қулоқ тутинг... — дейди Муҳаммад Паҳлавон?

— Абусаид мени хўрламоқ йўлини тутмоқдалар, — деб баттар тутоқади шоир. — Илтифотини макрга ўраб, олдимга қўймоқчи...

— Алишер, сиз ўзингизни унутманг! Сиз ғазабдан юксак мартабадаги улуғ зотсиз...

— Паҳлавон Муҳаммад! Сиз ҳам мени ўртаманг! Бу подшоҳлар одамларнинг қадрига етмас экан, ер юзиндаги улуғ зотлар улуғликка етмай ўлиб кетаверадир. Ноқобил юрт эгаси дунёни улуғ одамлардан жудо қиладилар...

— Парвардигордан ўзга ҳеч кас бул корни удда этолмас. — деб шоирни совутмоқчи бўлади Паҳлавон. — Шу навқирон ёшингизда абётингиз шуҳрати чиндан Эронгача довруғ солгандир.

— Паҳлавон!..

Алишер илкис тўхтайди. У ҳаяжонли ҳолати ногаҳон ҳақиқатга етилган бир мақомдадир.

— Паҳлавон! Бу чархи каҳрафторда доноларнинг қисмати шулким, улар салтанат марҳаматидан маҳрум ўлсалар, оллоҳ «бандаларимга улаш» деб инъом этган илоҳий фазилатлари одамлар хизматига етмай, вужудга қўшилиб, хоку туроб бўлғай! Оллоҳнинг иноятн билан кўнглим баҳрида тўлғонган сўз маҳобати бир ўзимга аён! Бу дунёнинг терслиги ва нокаслигидан турк элининг шуҳратини оламаро машҳур этадиғон сўз гавҳарларим кулга айланмаса, шамолларда соврулмаса деб қўрқаман!..

— Сиз турк сўзини оламаро шундоқ ҳам фалак тоқи қадар баланд парвоз эттирмоқдадирсиз!.. Қулоқ тутинг! Эшитинг!..

Паҳлавон узоқдан келаётган куйга кулимсираб, кўзларини юмганча, қулоқ тутади. Чолғучилар бир дилрабо куйни бошлаганлар... Алишер ҳам беихтиёр тинглайди...

— Сўзини эшитинг!.. Сўзини.. — деб сирли шивирлайди Паҳлавон, куйнинг оҳангида мос билинар-билинмас бош тебратар экан.

Чолғу даромадидан сўнг ҳофизлар қўшиқни бошлайдилар...

Не наво соз айлагай...

Шоир бу кутилмаганликдан сесканиб тушади. У ажабтовур ҳайронликда...

...булбул гулистондан жудо,
Айламас тўти такаллум шаккаристондан жудо.

Алишер аста-аста ҳофизлар хонишига эргашиб, дунёни унутиб, кўнгилга етиб тинглай бошлайди.

Ул қуёш ҳажрида қўрқармен фалакни ўртагай,
Ҳар шарореким,бўлур бул ўтли афғондан жудо.

— Сизнинг ашъорингиз!.. Сизнинг ғазалингиз!.. Эшитинг!.. Бутун Ҳирот сиздан куйлашни расм эттан!..

Икковлари дунёни унутиб тинглаяптилар.

Атрофларидан одамлар — майхўрлар, юриб савдо қилгучилар, тирикчилик қўйида юрганлар — ўтиб турибди. Баъзилар бу икки зотни таниб бир зум тўхтаб қолади. Сўнг бу ажабтовур зотларнинг ҳолатига қойил қолгандай, бош тебратиб, йўлларига — тирикчиликлари сори равона бўладилар...

— Юринг!.. — Паҳлавон Алишерни елкасидан тутиб, ногоҳ ғайрат билан йўлга ундайди. — Бу хониш Саид Ҳасан Ардашернинг ҳовлисидан таралмоқда!.. Юринг!.. Бостириб борамиз!..

— Ардашернинг!? — Алишернинг юзида бахтиёр табассум пайдо бўлади. — Кетдик!.. Бостириб борамиз!.. Ўзим ҳам зиёрат этмоқга маҳтал юргандим! Кетдик!..

У қувончли бир ғайрат ичида отилиб жўнайди.

— Бир риндлиқ қилайлик!.. — Паҳлавон ҳам хушбахт ҳаракатда унга эргашади.

— Риндларнинг бир мажлиси саройдаги минг мажлисдан авло!

Икковларини нохуш кайфиятлар бир пасда тарк этган. Улар қўёшдек чарақлаб, илдам юриб кетадилар.

Қўшиқ энди баралла таралмоқда.

Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмагил, Ёрни мендин жудо, ёхуд мени ондин жудо.

Саид Ҳасан Ардашер ҳовлисининг эшиги ланг очиқ.

Алишер Навоий ва Паҳлавон Муҳаммадни Ардашернинг хос хизматкорларидан бири сукунатга мойил тавозе билан кутиб олади.

— Хуш келибсизлар... — дейди у ниҳоятда паст овозда. — Меҳмонхонага ўтингизлар. Фақат қўшиққа халақит бермангким, Саид ҳазратлари малол тортадирлар...

Улар ичкари кирадилар.

Сариштали ҳовлида ҳамма меҳмон кутиш билан овора. Овқатлар сузилмоқда. Хумлардан майлар йирик жомларга ағдарилмоқда... Бу ишларнинг барчаси ҳофизларнинг авжи илҳомли хонишларига зиён етказилмайдиган бир тарзда...

Ҳовлиниинг адоғида ниҳоятда гўзал тартиб берилган боғ. Боғнинг ўртасида — соя-салқин толлар гирдобида ҳовуз. Ҳовуз бўйидаги супада мастона бир базм ҳофизларнинг нолишидан тебраниб, жўшиб ўтирибди. Кўзлар юмилган, юраклар осмони фалакка интилаётган фиғонининг ортидан ҳаққа етгудай бир талпинишда парвоз қилган.

Васл аро парвона ўртанди, ҳамона билдиким
Қилғудекдур субҳ ани шабъи шабистондан жудо.

Алишер ва Паҳлавон бешарпа келиб, бир четда тиз чўкадилар.

Воҳ! — дейди кимдир чидаёлмай.

Кимдир дарддан тўлиб-тошиб кетаётган кўксини ғижимлаган, кимдир телбаланаётган бошини кафтлари чангали орасига олган.

Бир иёсиз ит бўлиб эрди Навоий ёрсиз,
Бўлмасин, ё рабки ҳаргиз банда султондан жудо.

Ҳофизлар олқишларга қўмилиб, қўшиқни тугатадилар.

Воҳ! — дейди ўша ёнаётган биров. — Юрагим куйди... Бу Навоий деганни қандай ҳасрат туғди экан!..

— Бандаси ўзининг дардини ўзи тасаввур этмоғи учун парвардигор ҳар минг йилда бир буюк зотни юборар эркан. Ул зот бул минг йилликда туркларга насиб этди...

Бу сўзларни қандайдир босиқ бир маъни билан ўзига ўзи гапиргандай айтган зот — Саид Ҳасан Ардашер. Уни барча ҳурмат билан тинглайди.

— ... Алишер Навоий — буюкларнинг буюги, шоирларнинг шоиридир, — деб гапига якун ясайди Ардашер.

— Кўнглим Алишернинг дардидан қақради! — дейди яна биров масрурлик оғушидан чиқолмай.

У олдидаги жомни тўлғазгани, май идишга интилади.

— Мен ўзим, — дейди Ардашер латиф бир мулозаматда. — Мен ўзим...

У хизматга чоғланганларни енгил, аммо қатъий ҳаракат билан тўхтатади. Май қуйишга киришаркан, даврага бир қараб олади. Кўзи Паҳлавон Муҳаммадга тушади.

— Паҳлавон?.. Узр, келганингиздан ғофил қолибман...

— Ҳофиз хонишию Навоий ғазали тараган масрурликдан фойдаланиб, даврангизга меҳмон билан кириб олдик, — дейди Паҳлавон муғомбирона табассум билан.

Ардашер меҳмонга кўз ташлайди ва...

... Қўлидаги хум билан тўхтаб қолади.

— Алишер!.. — дейди Ардашер кўзлари қувончга тўлиб. — Болам!.. Қайси савоб ишим учун Оллоҳ дийдорингга етказди!

У қучоғини кенг очиб, бир самимий меҳрга тўлганча. Кўзлари ёшлана, шоир тарафга юради...

— Ҳазрат!.. — дейди Навоий тўлиқиб... — Ҳазрат!.. Бул Ҳиротда сиз каби ҳеч кимга интиқ бўлганим йўқ!..

Улар бир-бирларини соғиниб кўришадилар.

— Навоийнинг висолини ашъоридан сўраб ўтирган эдик. «Йиғлаганга худо етказади» деганларидай, мана ўз оёқлари билан мажлисимизга ташриф буюрдилар, — дейди Ардашер мажлис аҳлига қарата. — Мана, сўзга Исо нафасини юқтирадиган мавлоно Алишер Навоий!

Мажлисдагилар Навоийга ҳурмату иззатларини билдириб кўриша бошлайдилар.

— Назмдаги завқингизни қулиман!

— Сиздай улуғ зотга дийдорингизга етказганга шукур!

— Табаррук қўлингизни кўзимга суртсам...

Алишер ҳижолат тортган...

— Кимгадир гадосан, кимгадир пошшоҳ, Қадрингни солиб кўр ҳар бозорга гоҳ, —

деб қаг-қаҳ уриб кулади Паҳлавон Муҳаммад.

— Бул зот, — «оҳ» уриб ўлтирган кишини таништиради Ардашер, — Бадахшон мулкининг пошшоси... Лаълий тахаллусида назм битурлар.

— Мен сизни таърифингизни эшитганим бор.

— Сизнинг шавкатингизни олдида бизнинг таърифимиз уятдан ер чизғойдур, — дейди хуш кулиб Лаълий ва мастур шавқ билан ўқийди:

— «Эй, қуёш, нечун қошингдин соядек сурдинг мени, Равшан айлаб жумлаи оламни, қуйдирдинг мени».

Ўзингиз хўп айтгансиз. Сиздай қуёшдан сўнг биздай соялларга фақат куйиш қолди холос.

Лаълий яна хуш табассум қилади. У кулганда, гўё юраги кўрингандай.

— Энди бир бағримга боссам... — дейди Лаълий ва мингйиллик дўстдай Алишерни бағрига босади. — Қачон суҳбатингизга мени мушарраф этасиз?

— Кўнглингиз истаган онда...

— Кўнглимиз сиздадир, — дейди Лаълий, — кўнглимиз сизда. Кўнглингизга қараб фақирнинг кулбасига қадам ранжида қилсангиз...

Меҳмонлар тарқаган.

Уч дўст — Навоий, Паҳлавон Муҳаммад ва Ардашер — суҳбатлаша боғ ичида сайр қилиб юрибдилар.

— Султоннинг саройи эшик очмагани ҳам бир ҳисобдан маъқул иш бўлибди! — дейди Ардашер. — Саройда хизмат қилгандан, девоналик ихтиёр этмоқ дурустдир. Сиз кўнгул одамисиз...

— Абусаид бежиз Алишерни Ҳиротга чақиргани йўқ, — дейди чуқур нафас олиб Паҳлавон. — Султон Ҳусайн дўстининг шуҳрати тобора ошиб бораётганидан хавотирга тушиб қолди.

Улар оғир сукутга чўмиб, юришдан давом этадилар.

— Мен саройга боришим лозим, — дейди ниҳоят Навоий пинҳона бир зўриқишда. — Абусаиднинг — тоғамнинг котилининг ва дўстимнинг душманининг хизматини қилмоғим зарур...

Ардашер ва Паҳлавон унга ҳайронликда қарайдилар.

— Сиз мени йўқ деб ўйлаб айтган мақтовингизни нокамтарлик билан эсингизга соламан... Хуллас, ниятларим мўл. Худо хоҳласа... улкан орзуларим бор!.. Бунинг учун худо берган умрни яшамоғим шарт... Агар Абусаид Мирзонинг гапларига кўнмасам, жувонмарг қилмоғи тайиндир. Хуллас... Худонинг бул ожиз бандасига берган фазилати олдида масъуллигим бор!..

— Воҳ, болам! Сен бунча дунёнинг охирига етган бўлмасанг, — дейди Паҳлавон таъсирланиб.

— Парвардигорнинг фазилатлари юққан зотсан, — дейди Ардашер. — Умрингни қандай сарф этмоқни аъло англабсан.

— Бошимизга тушаётган кўргуликлар чангалидан омон қолмоғимнинг фойдаси кўпроққа ўхшайди...

Бу сўзларни Алишер ўзи билан ўзи гаплашгандай, юрагига чўкиб айтади.

МАҚОМ ВА МУСИҚИЙ ТАФАККУР

Ёхуд

МАҚОМЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР

• ПИФАГОР МАҚОМНИ ҚАНДАЙ ЎРГАНГАН?
• ДАРВЕШ АЛИ ЧАНГИЙ ЕТТИ МАҚОМ ҲАҚИДА

Мақом нима? Салобатли мақом туркумларида қандай ғоя ифода этилган? Нима сабабдан мақом санъати кўп асрлардан буён ўз моҳияти, демакки, бадиий қимматини йўқотмасдан келмоқда? Асли араб тилидан олинган "мақом" атамасининг бизнинг миллий мумтоз мусиқамизга қандай дахли бор?

Мақом санъати тарихини ўрганишда ўзаро фарқли икки йирик даврни ажратиш лозим. Биринчи давр мазмунини мақомларнинг макон-замон нуқтаи назаридан келиб чиқиш илдизлари, дастлабки куй-оҳанг қатламларини ўрганиш ташкил этади. Табиийки, қадимда бугун бизга маълум мақомлар бўлмаган, албатта. Зотан, бизгача етиб келган мақомот тизимларининг шаклланиш жараёнлари ижтимоий-маданий тараққиётининг маълум босқичи билан боғлиқдир.

Мақом куй- оҳангларининг қадимий қатламларини ўрганишга кўмак берувчи махсус мусиқий рисолалар бўлмаса-да, аммо бу соҳага доир муҳим манбалар бизнинг давргача етиб келган. У ҳам бўлса, аждодларимиздан улкан маънавий мерос бўлган "Шашмақом", "Хоразм мақомлари" ва "Фарғона-Тошкент мақом йўллари"дир. Мақом куйларининг хусусий "тил" тузилиш (синтаксис) қурилмаларини малакали идрок ва таҳлил эта олиш асосида улар таркибида уйғунлашган турли давр мусиқий қатламларини аниқлаб олиш имконияти мавжуд. Айни пайтда бизга маълум ривоятлар мазмунидан ҳам тегишли хулосалар чиқариш мумкин.

Мақомлар мусиқасига назар ташлаганда, уларнинг ҳар бирида ўзгача, мукаммал даражада уюшган парда (товуш) тизилмалари борлиги эътиборимизни жалб қилади. Еттита асосий пардалари ўзаро уйғун, оҳангдош товушлар нисбатига қурилган бу нағамот уюшмалари ким томонидан ва қачон ижод этилган? Бу борадаги мантиқий фикр-мулоҳазаларга асосланиб, уларнинг шаклланиш вақтини кейинги даврларга, яъни мусиқа санъати тараққий этган асрларга таллуқли, дейиш мумкин. Бироқ жаҳон мусиқа тарихи бундай хулосани инкор этади. Чунки мақом пардаларига ўхшаш етти асосий поғонали (пардали) товуш тизилмалари Шарқу Ғарб мусиқа маданиятига жуда қадим замонлардан маълумдир. Хусусан, қадимги юнонлар бу каби парда уюшмаларининг бир неча турларини билибгина қолмай, балки уларнинг инсон тарбиясида алоҳида муҳим ўрни борлигини ҳам таъкидлаганлар. Донишманд Фисоғурс (Пифагор) эса мукаммал пардаларнинг инсон руҳига фавқулодда таъсири сабабларини илмий билиш мақсадида уларни математик усуллар билан ўрганиб чиққан (бу усуллар кейинчалик ўрта аср Шарқ мусиқашунос олимлари томонидан ҳам қўлланган). Пировардида уларнинг таркибида етарли меъёрда уйғун (оҳангдош) товушлар нисбати (октава, квинта, кварта) борлигини ҳамда уларнинг сонлардаги ифодаси дастлабки тўрт рақамга мувофиқ келишини (октава – 2:1; квинта 3:2; кварта – 4:3) аниқлаган.

Олимлар орасидаги қарашларга кўра, мақомларнинг энг қадимий намуналари пайғамбарлардан мерос қолган. Хусусан, XVI аср иккинчи ярми — XVII аср биринчи чорагида яшаб ижод этган ватандошимиз, машҳур мусиқачи ва олим Дарвиш Али Чангийнинг "Туҳфат ус-сурур" рисоласида ривоят этилишича, аввалига етти пайғамбар номлари билан боғлиқ еттита мақом бўлган. Муаллиф бу ахборотни етказишда Хўжа Абдулқодир ибн Абдураҳмон Марағий, Хўжа Сафиуддин ибн Абдулмўмин, Султон Увайс Жалойир каби обрўли устозлар фикрига таянганлигини ҳам маълум қилган.

Шуни айтиш керакки, мақомлар мусиқасига оид "мақом" атамасидан аввал "йўл" маънosини англатувчи "роҳ", "тарика", "равиш" каби атамалари бўлган пайғамбарлар инсонларга чинакам бахт-саодатга эришиш йўлларини кўрсатганлар.

Улардан қолган маънавий мерос намуналари жамоа-қавмлар орасида алоҳида эъзозланиб, авлоддан-авлодга гўзал руҳий мерос сифатида ўтиб келган. Инсон тинглаши ва идроки учун энг маъқул ва манзур бўлган мукаммал пардалар ҳам дастлаб шу мерос негизида (ёки уни назарий жиҳатдан ўрганиш асосида) ҳосил этилиб, сўнгра шу (парда) "йўллар" асосида турли куйлар ривожлантирилган (ёки куйларнинг янги намуналари ижод этилган) бўлиши керак.

Шундай қилиб, мақомларнинг энг муҳим манбалари қаторида мукаммал пардалар ва уларга асосланган кўҳна куй-наволарни эътироф этишимиз мумкин. Қайд этилган пардалар кейинчалик мақом тизимлари юзага келишида, шунингдек, бастакорлар-у халқ мусиқа ижодиёти ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Мақомлардаги яна бир муҳим мусиқий қатламни халқ оғзаки мусиқа ижодиётининг кўҳна намуналари ташкил этади. Ҳайратланарли томони шундаки, мақомларда халқ мусиқасининг ҳатто энг қадимий намуналарига оид "излари" ҳам сақланган. Хусусан, бу изларни бизгача етиб келган Наврўзи Ажам, Наврўзи Хоро, Наврўзи Сабо номли мақом асарларида кўрамиз. Бу асарларнинг негизларида, мутахассис олимлар томонидан "халқ куйининг энг қадимий намунаси" ("бирламчи чизиқ" — Г.Шенкер) тарзида тасниф этилган қуйи оқим куй-оҳанглари яққол намоён бўлади. Бу ҳол бежиз эмас, албатта. Маълумки, кўпгина Шарқ халқлари узоқ ўтмишдан буён Наврўз байрамини кенг нишонлаб, шу муносабат билан маълум куйларни ижро этиб келганлар. Ўзига хос мавсумий маросим куйлари сифатида халқ ҳаётидан муқим ўрин олган бу тоифа куйлар кейинчалик мақом тизимларига киритилиб, ўзининг юксак ривожланган кўринишларига эга бўлгани ҳақиқатга яқин.

Мақом манбалари қаторида "гоҳ" (яъни Дугоҳ, Сегоҳ, Чоргоҳ, Панжгоҳ) номли куй тузилмалари ҳам эътиборга моликдир. Аксарият олимлар бу тоифа куйлар негизи қадимий китобларни маълум оҳангларда ўқиш анъанасига дахлдорлигини, жумладан, "Авесто"-даги "гот" мадҳияларига бориб тақалишини фараз қиладилар. Бу ўринда Авестодаги "Gatheha" сўзи кейинчалик дарий (форсий) тилига "Gah" шаклида ўтгани ва яна қатор ҳолатлар инобатга олинади. Бизга маълум "гоҳ" куйларининг таҳлили эса бу намуналарнинг илдизлари фараз этилаётган даврлардан-да қадимийроқ эканлигини кўрсатади. Хусусан, Фарғона-Тошкент мақомларидан Дугоҳ-Ҳусайний I куйи негизида икки таянч пардали оҳанг тузилмаси, Сегоҳ чолғу куйида, шунингдек, Шашмақомнинг Таснифи Сегоҳ, Хоразм Сегоҳи мақомининг Тани мақом қисмларида эса уч таянч пардали оҳанг тузилмалари борлиги аён. Этномусиқашунос олимларнинг сўнгги ютуқларидан маълумки, икки, уч, тўрт каби таянч товушли куй намуналари халқ мусиқий тафаккурининг дастлабки куртакларидир. Бу каби содда тузилмалар кейинчалик юзага келган китобот анъаналари шаклланган даврларда, маълум тизимларга туширилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Албатта, мақомларда қадимга мансуб мусиқий ёдгорликларнинг ўрни борлигига қарамай, уларни асл ҳолида қайта "жонланади", деб бўлмайди. Зеро, мақомларда бу каби ёдгорликларнинг излари сақланиб қолган бўлса-да, улар эндиликда юксак шаклланган ҳолатларда ижро этилади. Атоқли мақомшунос олим Исҳоқ Ражабов таъбири билан айтганда, мақомлар "халқлар мусиқасининг классик услубидаги намунасидир".

Оқилхон ИБРОҲИМОВ,
мусиқашунос

Бугун қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида "Шарқ ғароналари" III Халқаро мусиқа фестивали тантанали равишда очилади. 30 августгача давом этадиган ушбу фестивал доирасида мақомлар тарихи мавзуида халқаро илмий анжуман ҳам бўлиб ўтади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу мақола мақомлар тарихидан баҳс этади.

Дунё – кенг...

ЕРНИНГ «ТОВУШИ»НИ ЭШИТГАНМИСИЗ?

Вильнюслик олим Франц Жвирблис Ернинг одам соғлигига таъсирини ўрганишга қарийб умрини бағишлади. Унинг таъкидлашича, Ер юзида шундай жойлар борки, бу жойлар устида қурилган уйлардаги яшовчилар муттасил хасталикларга дучор бўлишаркан.

Олим Вилнюсдаги энг кўркам туманларда жойлашган айрим уйларда бир йўла кўплаб одамларнинг хасталикларга дучор бўлиш сабабини Ер қаъридан электромагнит тўлқинлари шаклида чиқаётган кучли қувват таъсиридан деб ҳисоблайди. Хусусан, шаҳардаги кўп қаватли уйлардан бирининг битта йўлагидаги хоналар гўё ёвуз кучларга асир тушгандай: уларда истиқомат қилаётганлар муттасил турли-туман касалликларга дучор бўлишади. Бу йўлақдаги хонасини бошқа жойга алмаштириб кўчганларни эса касаллик тез тарк этган. Мутахассислар маслаҳатига қулоқ солиб, хонадаги ётоқ жойини ўзгартирганлар ҳам безовталикдан бир қадар халос бўлишган.

–Айрим одамларда хавфли жойларни ҳис этиш туйғуси ривожланган бўлади, – дейди Ф.Жвирблис. – Қадим-қадимда одамлар черков, мачит қуришдан олдин муқаддас масканлар қуриладиган жойнинг нечоғли хавфсизлигини аниқлашган. Бу жуда оддий усулда амалга оширилган, яъни Яратганга чинакам ихлос қўйган, эътиқоди кучли руҳоний танланиб, кошона қуриладиган жойга ўрнатилган чодирда у қирқ кун ёлғиз яшаган. Агар шу вақт ичида руҳоний босинқирамаса, ёмон тушлар кўрмаса, ўзини эркин ва бардам сезса, демак, шу жой тўғри танланганига шубҳа қилинмаган.

Олимнинг иқрорича, Ер остидан чиқадиган кучли қувватни оддий одам сезиши, эшитиши қийин, бироқ мушук ва пашшалар ер остидан келаётган машъум «товуш»ларни эшитаркан. Агар одамнинг қулоғи бу товушларни эшитишга мойил бўлганида, у орқа-олдига қарамай бу жойдан қочган бўларди, дейди олим.

«ДОКТОР ЖИВАГО»НИНГ САРГУЗАШТИ

Маълум бўлишича, ўтган асрнинг 50-йиллари Буюк Британия ички ишлар вазирлиги машҳур ёзувчи Борис Пастернакнинг «Доктор Живаго» романи билан боғлиқ жуда муҳим ишларни режалаштирган экан.

Ҳужжатларда қайд этилишича, роман Италияга яширинча олиб келиниб, бу ерда 1957 йили рус ва италян тилларида чоп этилган. Кейинги йили эса асар муаллифи Борис Пастернакнинг Нобел мукофоти билан тақдирланиши жаҳонда катта шов-шувга сабаб бўлди.

Ана шу пайтда, дейилади Би-би-си хабарида, Англия ИИВ «Доктор Живаго»ни Эронда форс тилида жуда катта нусхада чоп этиш учун пул ажратади. Албатта, бу нашрнинг инглиз ҳукуматига нима кераги бор эди, деган савол туғилади. Россиядаги воқеалар тасвирланган асар эронликларга шунчалик зарурмиди? Гап шундаки, Туманли Албион қирғоғидагилар ўша пайтда «болшевизм даҳшатлари» ҳақидаги роман, албатта, эронликлар кайфиятига кучли таъсир кўрсатади ва уларнинг шоҳ атрофида жипслашувига туртки беради ҳамда бу ҳудудда обрў топа бошлаган коммунистик ғоядан юз ўгиришга олиб келади, деган қарорга келишган эди. Шу боисдан ҳам шоҳга яқин бир киши Пастернакнинг романини чоп этмоқчи бўлаётганини эшитгач, унга инглизлар қўшимча 20 минг нусха учун маблағ беришади. Бу романни Афғонистон, Ироқ, Ҳиндистон ва ҳатто Тожикистонда ҳам тарқатиш мўлжалланган эди.

Бу яқин ўтмишга доир хабар «совуқ уруш» йилларида қарама-қарши томонларнинг ҳар қандай арзирли ҳодисадан ўз манфаатлари учун фойдаланиб қолишга қанчалик уринганликларини кўрсатади.

Маълумки, собиқ иттифоқ шароитида мафкуравий органларнинг тазйиқи остида Пастернак обрўли мукофотни олишдан воз кечади, уни ҳамкасблари ноҳақ қоралашади. Ёзувчи умрининг охирини сукут сақлаб ўтказишга маҳкум этилади.

Британия ИИВнинг режасига келганда айтиш жоизки, ўша ўйинлардан кўп вақт ўтмай бу режа стратегик жиҳатдан яроқсизлигини кўрсатди. Шоҳ режимига қарши кураш кутилмаган томондан келди... 1979 йили шоҳ Эронни тарк этишга мажбур бўлди.

ТАБИИЙ ЭҲТИЁЖ ТАҚОЗОСИ

Азалдан марҳумнинг жасадини ерга бериш аксарият халқларда анъанага айланган. Бироқ кейинги пайтларда айрим мамлакатларда бу анъанадан воз кечилмоқда.

Хусусан, Хитойда дафн этиш маросларининг ярми катта ва ўртача тоғ жойларда, жасадни куйдириш орқали амалга оширилар экан. Яқиндан бери бу мамлакатда экологик қабристонлар урф бўла бошлади. Яъни эндиликда марҳумнинг хоки қўйилган жойга қабр тоши ўрнатилмайди, балки ниҳол ва бутоқлар экиб қўйилади.

Бундай тадбирлар ўз-ўзидан пайдо бўлаётгани йўқ. Қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерларнинг тобора қисқариб бораётгани, боз устига Мўғулистон чўлларидан муттасил эсадиган қум бўронлари йўлини тўсиш ҳам экологик қабристонларга табиий эҳтиёж туғдираётир.

ХХР ҳукумати дафн маросимларида қўлланилаётган юқоридаги каби янги тадбирларни фаол қўллаб-қувватлаётир. Бу масала парламентда ҳам қизғин муҳокама қилинди. Шу жойда хитой ислоҳотларининг отаси – Дэн Сяопиннинг хоки, унинг васиятига кўра, денгиз устидан сочилганини эслаш ўринли.

Миллий ғурури бор юракларда миллий куй-қўшиқларга жой топилади. Демоқчиманки, мумтоз куйларимизни ўзимизни севгандек севайлик, юртимизни қадрлагандек қадрлайлик, ҳаётимизни асраган каби асрайлик.

ТАНБУР НАВОСИНИ СОҒИНИБ

Ўзбекистон халқ артисти, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Турғун АЛИМАТОВ ҳузурида бўлдик...

Куй нима? У қандай куч-қудратга эга? Ривоятларга кўра, Абу Наср Форобий сафардалик чоғида Рум подшоси уни қабулига чорлаб, "Сени мусиқа билимдони дейишади. Қани, ҳунарингни кўрсат-чи?" дебди. Шунда Форобий қўлидаги созини чалади. Сарой аҳли бирин-кетин ўринларидан туриб, ўйинга туша кетишади. Бироз вақт ўтиб, мусиқачи куй оҳангини ўзгартиради. Ўша заҳотиёқ даврага оғир сукунат чўкади. Ўтирганлар хаёлга толиб, юз-кўзларида ҳазинлик акс этади. Учинчи бир куй янграганида эса тингловчилар сархушланиб, кўзларини юмганича аста уйқуга кетадилар. Худди шу пайт Форобий саройни тарк этиб, ўз йўлига равона бўлади...

Инсоннинг руҳий оламига шу қадар кучли таъсир этгувчи нарса куйнинг ўзимикан? Ёки сознинг нолакор товушими? Ё бўлмаса ижрочининг қалб туйғулари ҳам мусиқага қоришиб кетаётганмикин? Оҳанглардаги сеҳр кучи нимада? Мен моҳир танбурчи Турғун Алиматовдан шу ҳақда сўрадим.

— Одамлар куйнинг яратилишини илоҳиёт билан боғлашгани ҳақида эшитган бўлсангиз керак, – дейди у. — Саволингизга келсак, оҳанглардаги сеҳр кучи шундаки, куй аслида инсоннинг юрагиға тутилган кўзгу. У, аввало, юракни юмшатади, ғамандухларни юзага олиб чиқади. Сезган бўлсангиз, танбурнинг овози одам овозига ўхшаш, мана шунинг учун ҳам унинг нолалари киши дилига, руҳига яқин...

— **Олимлар тажриба тариқасида дераза ёнида ўсаётган гулларни мақом куйлари чалинаётган хонага олиб киришган. Шунда гуллар тетиклашиб, ғунчалари секин-аста очила бошлаган. Кейин гулларни бошқа хонага — дағал мусиқа таралаётган жойга олиб ўтишган. Гулларнинг барглари бирданига сўлий бошлаган. Демак, мусиқа наботот оламига ҳам таъсир кўрсатаркан-да! Сиз санъаткорлик фаолиятингизда шунга ўхшаш ҳодисаларни ҳеч кузатганмисиз?**

— Қайсидир йили мени мухлисларим Хумсонга таклиф этишганди. Бордим. Сой ўртасидаги каттакон харсангтош устида ўтириб танбурни чунонам берилиб чалибманки... Бир вақт куй адоғига етгач, бошимни кўтарсам, тепамда юзлаб, минглаб қушлар чарх уришяпти. Тўпланганлар ҳам, мен ҳам ҳайрон қолдик. Бу қушлар танбурда янграган куй товушига йиғилишганини билгач, мусиқанинг куч-қудратига, мўъжизавийлигига иймон келтирганман, ўшанда. Қаранг, мусиқа сиз айтгандек фақат наботот эмас, балки жонзотларга ҳам таъсир ўтказади.

Японлар бу борада бир тажриба ўтказишган. Дарё бўйида чиройли миллий куйни чалибдилар. Бир вақт қарашса, жамики майда балиқлар куй янграган томонга оқиб келишаётганмиш. Шунда улар куй оҳангини ўзгартириб, шовқинли мусиқани чалишган. Ҳалиги тўпланган балиқлар дарров ортларига қайтиб кетибдилар. Мен мусиқа таъсирида сигирларнинг сути кўпайишини, меваларнинг янада тўлишишини, қўй-қўзиларнинг семиришини ёхуд ўсимликларнинг баравж ўсишини кўп эшиттганман.

— **Қадимда "Ҳида" деган куй бўлган экан. Бу куй асосан карвонлар олис йўлга чиққанида ижро этилган. Чунки сарбонлар ва туялар қанчалик узоқ йўлни босишмасин, шу куйнинг таъсирида чарчоқни сезишмас экан. Биз "мусиқатерапия" деган сўзни кўп эшитганмиз. Мусиқанинг инсон руҳиятига таъсири ҳақида нималарни айта оласиз?**

— Танбур ва дутордан таралган куйлар эшитувчининг руҳини сарафроз этади, юрагида ҳаётга муҳаббат, ишонч ва умид туйғуларини уйғотади. Қадимий "Шашмақом" куйларини эсланг. Уларда чексиз ғам-алам, ҳижрон ва соғинч каби ранг-баранг инсоний изтироблар мужассам. Лекин, умидсизлик йўқ. "Ушшоқ"лар-чи? Киши бу куйларни тингларкан, авж пардаларида дарду фиғон билан бирга нурли туйғулар борлигини юракдан ҳис этади. Руҳи кўтарилиб, қалби шодликка тўла бошлайди. Гўё лаззатли "дармондори"ни симираётгандек туюлади. Мусиқанинг инсон руҳиятига бениҳоя катта таъсир кўрсатиши аллақачон исботланган. Қай бир йили шифохона врачи мени йўлда тўхтатиб, "Сизда гапим бор" деди. Унинг айтишича, уйқусизлик касалига мубтало бўлган беморларга мен танбурда чертган куйларнинг ёзув тасмасини қўйиб беришибди. Шунда ҳалиги беморлар куй таъсирида ухлаб қолишибди. "Сизнинг куйларингиз бизга дори-дармон каби зарур бўлаяпти!" деди ўша шифокор.

Учрашув

Мен доимо "Муножот"ни, "Насруллои" ёки "Роҳат"ни қуйлаган кезларимда мухлисларимнинг кўзларида ёш кўраман. Нега? Чунки, мумтоз куйлар юракни эритади, шу баробарида унга тасалли беради, кўнглига яшаш иштиёқини солади. Устозларим менга "Куйни юракдан берилиб чалсангтина у тўппа-тўғри юракларга йўл олади!" дея кўп уқтиришарди.

— **Устозларингиз кимлар?**

— Ўзим туғилиб ўсган Тошкент вилоятидаги Қоплонбек қишлоғидан Эски Жўвада яшовчи тоғамларникига тез-тез келиб турардим. Бу ердаги кўримсизгина бинода Ёшлар театри жойлашган бўлиб, у ерда кичик бир ансамбл бор эди. Репитиция бўлаётган пайтларда ўша атрофда айланиб юрардим. Ичкарига киргим келаверарди. Тоғаларим мусиқага иштиёқимни пайқашиб, мени ўша ерга олиб боришди. Ихчамгина скрипкани чалиб, "синов"дан ўтдим. Ансамблда ишлай бошладим. Мусиқачиликнинг илк сабоқларини шу ердаги устозларимдан олганман. Кейин фронтга кетдим. Урушдан қайтгач, бир неча йил Муқимий театрида ишлаб юрдим. Ўшанда дўстларимдан бири "Ўзбекистон радиосига танбурчи керак экан", деган гапни айтиб қолди. Дарҳол у ёққа отландим. Эсимда, Юнус Ражабий бир куйни чалдириб кўрдилар. Сўнг "Бўлади, ишга оламиз!" дедилар. Шу улуғ санъаткордан кейинчалик жуда кўп сабоқлар олдим. У киши билан ёнма-ён ишлаб, ижод қилдим. То кексалик нафақасига чиққунимча Ўзбекистон радиоси қошидаги ансамблда фаолият кўрсатдим. Шу жойда изландим, қуйлар яратдим, элу юртга танилдим... 1985 йилдан буён Консерватория талабаларига миллий мусиқамиз сирларини ўргатаяпман.

— **Кейинги йилларда сиз мумтоз куйларимизни чет эл саҳналарида ҳам ижро этиб, хорижликларнинг олқишларига сазовор бўлдингиз. Таассуротларингиз қандай?**

— Чет элликлар санъатни жуда нозик тушунишади. Яхши куй-қўшиқларни эшитишса, бараварига ўринларидан туриб, саҳнадаги ижрочига ўз ҳурматларини билдиришади. Мен шундай ҳурматга сазовор бўлган кезларимда, хорижликларнинг ўзбек санъатига юқори баҳо бераётганликларидан ғурурланганман. Америка, Германия, Францияда бўлдим. Ўша давлатларда лазер дискларига муҳрланган мусиқа ёзувларимни чиқаришди. Ўтган йили Англияга таклиф этишди. "Насруллои", "Куйғай", "Э, сабо" куйларини чалиб, олқишлар олдим. Бутун англияликлар ўзбек куйлари орқали Ўзбекистонни янада яқиндан танишди.

— **Бу йил сиз саксонинчи баҳорингизни қаршиладингиз. Кўнглингиздан қандай ўйлар кечаяпти?**

— Саксон йиллик ҳаёт йўлимга боқсам, жуда кўп нарсалар кўз ўнгимдан ўтади. Қаҳатчилик, урушлар ва очлик йилларидан ўтиб келдик. Турмуш қийинчиликлари халқни эзиб ташлаган замонлар бўлди. Минг шукрки, юртимиз озодлигини кўриш насиб этди. Эндиги кунларнинг ҳар соати мен учун жуда-жуда қадрли.

— **Мухлисларингизга айтадиган тилакларингиз...**

— Ўзбекистон – жаннат юрт. Шу юртда яшаётган ҳар бир киши озод элнинг фарзанди эканлиги билан фахрланиши керак. Миллий ғурури бор юракларда миллий куй-қўшиқларга жой топилади. Демоқчиманки, мумтоз куйларимизни ўзимизни севгандек севайлик, юртимизни қадрлагандек қадрлайлик, ҳаётимизни асраган каби асрайлик. Мени соғиниб эшиттувчи барча мухлисларимга омонлик тилайман, уларнинг танбур куйларига бўлган меҳру соғинчлари асло тугамасин дейман.

Гулчехра ЖАМИЛОВА
суҳбатлашди

Маданият ишлари вазирлиги Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри директори Бернора Қориевага умр йўлдоши
Қулаҳмад Ризаев
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси шоир Эшқобил Шукурга отаси
Жўра бобо ШУКУРОВ
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Санъат бўлими: 136-56-48 Наср ва назм бўлими: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Маҳмуд САЪДИЙ
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 20.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г. — 2509. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6512.